290994

Ватанни севмак иймондандур!

Ўзбекистон овози

ÖZBEKİSTAN AVAZI

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1994 йил 15 сентябрь, пайшанба № 142 (21.746). Сотувда эркин нархда

ЁСИР АРАФОТ ТОШКЕНТГА КЕЛДИ

14 сентябрь куни Фаластин Озодлик Ташкилоти ижроия қўмитасининг раиси Ёсир Арафот расмий ташриф билан Тошкентга келди. Тошкент аэропортида уни Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши раиси вазифасини бажарувчи Э. Халилов ва Ташқи ишлар вазири А. Комилов кутиб олди.

Ёсир Арафот журналистларнинг саволларига жавоб берди. Ушбу ташрифи Ўзбекистон билан Фаластин ўртасидаги ўзаро манфаатли муносабатларни ҳамда икки халқ орасидаги мавжуд дўстона алоқаларни янада ривожлантиришга хизмат қилади, деб умид билдирди.

(ЎзА).

Расмий ташриф муносабати билан

Фаластин давлати Президенти Ёсир Арафотнинг қисқача таржимаи ҳоли

Ёсир Арафот 1929 йилда Фаластиннинг Ғазо минтақасида таваллуд топди.

1944 йилда Қоҳирадаги Фаластин талабалари иттифоқи (ФТИ)га аъзо бўлиб кирди.

1950 йилдан ФТИ ижроия қўмитаси аъзоси, 1956 йилдан мазкур иттифоқ раиси.

1955 йилда Қоҳира дорилфунунининг муҳандислик факультетини тамомлади.

1955—1957 йилларда Мисрдаги қурувчилик ширкатида ишлаган.

1956 йилда Миср армияси сафида Англия—Франция—Исроил кучлари босқинига қарши урушда иштирок этди.

1959 йилда Қувайтда «Ал-Фатх» сиёсий гуруҳига асос солди.

1968 йилдан Фаластин Озодлик Ташкилоти (ФОТ) ижроия қўмитаси раиси ва Фаластин халқининг йўлбошчиси.

1970 йилдан Фаластин инқилобий кучларининг бош қўмондони.

1989 йилнинг 2 апрелида ФОТнинг бош органи — Фаластин Миллий Кенгаши Ёсир Арафотни Фаластин давлатининг Президенти, деб эълон қилди.

Инглиз ва француз тилларини яхши билади.

Оилали, фарзандлари бор.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИНИНГ МАТБУОТ ШУЪБАСИ.

ДЕПУТАТЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

Наманганда вилоятдан сайланган Ўзбекистон халқ депутатларининг учрашуви бўлди. Учрашувда шаҳар ва туман ҳокимлари, вилоят фаоллари ҳам иштирок этди.

Йиғилганлар Олий Кенгашнинг бўлажак 16-сессияси кун тартибига киритилган масалаларни муҳокама қилдилар. Республика Олий Кенгаши раиси вазифасини бажарувчи Э. Халилов нутқ сўзлади.

• • •

Жиззахда вилоятдан сайланган Ўзбекистон халқ депутатлари, фаоллари билан учрашув бўлди. Уни вилоят ҳокими А. Тошкенбоев бошқарди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши раисининг ўринбосари Б. Бугров ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Олий Кенгашининг ўн олтинчи сессияси кун тартибига киритилган масалалар тўғрисида гапирди.

Йиғилишда сўзга чиққанлар бўлажак сессияда кўриладиган масалалар хусусида фикр-мулоҳазалар билдирдилар.

(ЎзА).

Самимий қутловлар

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Жаноби олийлари!

Мамлакатингиз мустақиллиги куни муносабати билан Сизга, Ўзбекистон ҳукумати ва халқига самимий табрикларимни йўллайман. Фурсатдан фойдаланиб, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти дунёдаги мавжуд муаммоларни ҳал қилишда бундан буён ҳам Сизнинг мамлакатингиз томонидан қўллаб-қувватланади, деб умид қиламан. БМТнинг жаҳон халқлари учун ўта зарур бўлган тинчлик, адолат ва фаровонлик йўлидаги фаолияти унга аъзо бўлган барча давлатлар томонидан қўллаб-қувватланиши ниҳоятда муҳим.

Менинг юксак ҳурмат-эҳтиромимни қабул этгайсиз, жаноби олийлари!

Бутрос Бутрос ҒОЛИЙ,
БМТ Бош котиби.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муҳтарам жаноб Президент!

Ўзбекистон Республикасининг миллий байрами — Мустақиллик куни муносабати билан энг самимий ва эзгу тилакларимни қабул қилгайсиз. Венгер халқи ўзбек халқининг демократия ва иқтисодий тараққиёт йўлидаги ҳар бир қадамини диққат-эътибор ва ҳайрихоҳлик билан кузатиб турибди. Ўз номимдан ва Венгрия Республикаси номидан Сизга ҳамда Ўзбекистон Республикаси фуқароларига сиҳат-саломатлик, масъулиятли фаолиятингизда улкан муваффақиятлар тилайман.

Камоли эҳтиром ила,

Арпад ҒЕНЦ,
Венгрия Республикаси Президенти.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Ўзбекистоннинг мустақиллиги куни муносабати билан Сизга, Сиз орқали бутун ўзбек халқига самимий ва қизғин табрикларимни йўллайман.

Ўзбек халқи Сизнинг раҳбарлигингиз остида Ўзбекистонни мустақил ва гуллаб-яшнаётган мамлакатга айлантиришига ҳамда унинг Марказий Осиё минтақаси ва бутун дунёдаги мавқеини янада мустаҳкамлашига ишончим комил.

Мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик муносабатлари кундан-кун мустаҳкамланиб, ривожланаверсин!

Сизга сиҳат-саломатлик, юксак масъулиятли фаолиятингизда улкан муваффақиятлар тилайман!

Ле Дик АН,
Вьетнам Социалистик Республикаси Президенти.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги байрами муносабати билан Гана халқи, ҳукумати ва шахсан ўз номимдан Сизга самимий табрикларим ва энг эзгу тилакларимни йўллашга ижозат бергайсиз.

Халқларимиз фаровонлиги йўлида мамлакатларимиз бундан буён ҳам ўзаро фойдали алоқаларни давом эттираверади, деб астойдил умид қиламан.

Менинг юксак ҳурмат-эҳтиромимни қабул этгайсиз, жаноби олийлари!

Капитан Жерри Жон РОЛИНГС,
Гана Республикаси Президенти.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Жаноби олийлари.

Мамлакатингиз миллий байрами — Мустақиллик куни муносабати билан Сизга ўз номимдан ҳамда Молдова Республикаси халқи номидан самимий табрикларимни йўллашдан, Сизга ва оила аъзоларингизга сиҳат-саломатлик, шунингдек, ўзбек халқига тинчлик, фаровонлик ҳамда демократик тараққиёт йўлида янги муваффақиятлар тилашдан мамнунман.

Мамлакатларимиз ва халқларимиз бундан буён ҳам анъанавий дўстлик ва самарали ҳамкорлик муносабатларини асраб-авайлаши, бу муносабатларни сиёсий, иқтисодий, маданий ҳаётда янада чуқурлаштиришига ишончим комил.

Сизга юксак эҳтиром ила,

Мирча СНЕГУР,
Молдова Республикаси Президенти.

БОЗОР МАҲСУЛОТГА ТЎЛСИН

Жиззах вилоят ҳокимлигида Вазирлар Маҳкамасининг бозорларни халқ истеъмоли моллари билан тўлдириш ҳақидаги қарори қандай ишлаётганги ҳамда пул муомаласини тартибга солиш масалаларига бағишланган йиғилиш бўлди. Уни вилоят ҳокими Алишер Тошкенбоев бошқарди.

Вилоятда иқтисодий ислоҳотларнинг жадал ўтказилаётгани, кичик ва қўшма корхоналар сони, уларда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот хиллари тобора кўпайиб бораётгани таъкидлаб ўтилди. Шу билан бирга истеъмол моллари кўпайтириш борасидаги ишлар талаб даражасида эмаслиги қайд қилинди. Бундай камчиликларга савдо ва аҳолига маиший хизмат кўрсатиш тармоқларида иш маданиятини юксалтириш, дўкон-расталарни харидоргир моллар билан тўлдириш, маиший хизматнинг янги-янги турларини ташкил этиш йўли билангина барҳам бериш мумкинлигига эътибор қаратилди.

Йиғилишда республика Бош вазирининг ўринбосари М. Шарифхўжаев сўзга чиқди.

(ЎзА).

ФОЙДАЛИ СЕМИНАР—КЕНГАШ

Ўзбекистон ХДП Тошкент вилоят кенгашида вилоятдаги шаҳар ва туман кенгашларининг биринчи котиблари, ҳисоб бўлими мудирлари ҳамда тафтиш комиссиялари раислари иштирокида семинар-йиғилиш бўлиб ўтди.

Унда партия сафининг софлигини таъминлаш, ҳудудий партия ташкилотларининг тизимини такомиллаштириш, партия кенгашлари ижроия бюролари фаолиятини жонлантириш масаласи юзасидан вилоят партия ташкилотининг иккинчи котиби Ш. Муҳаммаджонов маъруза қилди. Нотиқ ҳозирги мураккаб шароитда партиянинг маблағи, мулки ва биноларидан самарали фойдаланишнинг аҳамиятига тўхталиб, бу соҳа қатъий назорат остига олиниши лозимлигини қайд этди.

Мажлисни олиб борган вилоят партия кенгашининг биринчи котиби Ў. Турғунов ўз сўзида Ўзбекистон ХДП ташкил топганлигининг уч йиллигига ҳозирлик кўриш, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳамда маҳаллий кенгашларга сайловлар олдидан шаҳар, туман ва бошланғич партия ташкилотлари олдида турган долзарб вазифалар хусусида гапириб, қатнашчиларни қизиқтирган саволларга жавоб берди.

Илҳом ҚАЙНАРОВ.

ИЛҒОРЛАРГА ПАРТИЯ МУКОФОТЛАРИ

ҲОСИЛ-94

Фарғона далаларида йил бўйи қилинган меҳнат эвазига мўл ҳосил етиштирилди. Шу кунларда терим суръати узлуксиз равишда ошиб боряпти. Каттаю-кичик барча вилоят аҳлининг мақсади ҳосилни ёғин-сочин кунларга қолдирмай йиғиштириб олиш. Ўзбекистон ХДП бошланғич ташкилотлари кўпминг сонли партия аъзолари ҳам Фарғонанинг улкан хирмонини барпо этиш учун куч-ғайратларини аямаяптилар.

Олтиариқ туманидаги Т. Қўзибоев номли жамоа хўжалиги ХДП бошланғич ташкилоти йиғим-терим мавсумини қисқа вақт ичида ва уюшқоқлик билан ўтказиш бўйича қатор тадбирлар ишлаб чиқди. Хўжаликдаги 44 нафар ХДП аъзосининг ҳар бири учун мавсум якунига қадар маълум вазифалар белгиланган. Айтайлик, бригада бошлиғи А. Қосимов ўз бригадасида йиллик режани барвақт бажаришга бригадаларга ҳар ўн кун ҳисобида ҳар килограмм пахтага 40 тийиндан пул тўланмоқда. Бу терим суръатини янада оширишга имкон берянти. «Оқ олтин» жамоа хўжалигидаги Д. Азиев бошлиқ звено аъзолари уч гектар майдондан 7 тонна пахта топшириб, Қорақалпоғистонда биринчи бўлиб пахта тайёрлаш режасини адо этдилар. Звено аъзолари яна тўрт тонна пахта топширишга аҳд қилишди.

Фарғона вилоятидаги ХДП аъзоларини мана шу мақсад йўлида сафарбар этиш масъулиятини зиммасига олган бўлса, механизатор А. Хўжамқулов машина теримига масъул. Ҳар бир ХДП аъзоси шу тариқа энг масъулиятли жойларга биркитиб қўйилган. Ўзбекистон ХДП Олтиариқ туман кенгаши ушбу жамоа хўжалиги бошланғич партия ташкилотининг ташаббусини қўллаб-қувватлади. Бошқа хўжаликлар бошланғич ташкилотларида ҳам ана шундай тадбирлар ишлаб чиқилиб, амалга оширилмоқда. Бувайда, Бағдод, Ўзбекистон туманлари ХДП бошланғич ташкилотлари ҳам пахта йиғим-теримини муваффақиятли ўтказиш учун барча чора-тадбирларни кўрмоқдалар.

ЎзХДП Фарғона вилоят кенгаши ижроия бюросининг вилоятдаги шаҳар ва туманлар партия кенгашлари биринчи котиблари иштирокида бўлиб ўтган кенгайтирилган йиғилишида ҳам худди шу масалалар муҳокама қилинди. Бюро йиғилишида ҳар бир партия аъзоси пахта йиғим-теримида ўз имкони доирасидаги барча чораларини ишга солиши лозим, дея уқтирилди. Вилоят кенгаши пахтакорларга мурожаат қабул қилди. Шунингдек, вилоятда биринчи бўлиб пахта тайёрлаш йиллик режасини бажарган туман ва хўжаликларга вилоят кенгашининг махсус совринлари таъсис этилди. Машина теримида энг юқори натижага эришган механизатор, энг кўп пахта терган теримчи ва энг кўп пахта теришган ҳашарчилар жамоалари учун тегишли муқофотлар белгиланди.

Алишер ИБОДИНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

„ОҚ ОЛТИН" хирмонига

1994 ЙИЛГИ ПАХТА ҲОСИЛИНИ ТАЙЁРЛАШ БЎЙИЧА 14 СЕНТЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

(режага нисбатан фоиз ҳисобида)

Вилоятлар	бир кунда	мавсум бошидан	шу жумладан машинада терилгани: бир кунда	мавсум бошидан
Қорақалпоғистон Республикаси	0.82	3.56	0.00	0.00
Андижон	2.16	8.64	0.00	0.00
Бухоро	3.51	23.70	0.00	0.00
Жиззах	0.60	2.05	0.01	0.01
Қашқадарё	1.54	6.64	0.30	0.91
Навоий	2.33	13.97	0.18	0.19
Наманган	1.10	5.10	0.03	0.11
Самарқанд	1.98	11.30	0.29	0.88
Сурхондарё	2.04	15.59	0.29	0.70
Сирдарё	0.48	1.43	0.00	0.00
Тошкент	0.42	1.93	0.00	0.00
Фарғона	2.41	13.39	0.01	0.01
Хоразм	2.43	20.08	0.00	0.00
Ўзбекистон Республикаси бўйича жами	1.67	9.78	0,09	0.23

ШУ КУННИНГ НАФАСИ

Янгиликлар воқеалар хабарлар

• *Кичик корхоналар*

ҲАМҚИШЛОҚЛАР «ОМАД»И

● **БУХОРО (мухбиримиздан). Қишлоқда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш ва аҳолига хизмат кўрсатиш муҳим омиллардан саналади.**

Олот туманидаги «Омад» ҳиссадорлик жамияти бундай юмушларни ўрнига қўйиш билан эътибор топмоқда. Туман марказида «Чевар» тикувчилик цехининг очилиши айни муддао бўлди. Бу ерда иш бошлаган 30 дан зиёд хотин-қиз болалар учун бежирим кийим-кечаклар тайёрламоқда. Миллий нон цехи, шакарли қаламчалар ишлаб чиқарадиган кичик корхоналар ҳам ҳамқишлоқларга ўзига хос омад келтирмоқда.

Даврон БАҲРОНОВ.

• *Янги анъаналар*

МУШКУЛЛАРИ ОСОН БЎЛДИ

● **НАВОИЙ (мухбиримиздан). Кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоялаш тўғрисидаги фармон жойларда тўла қўллаб-қувватланмоқда.**

Хатирчи туманидаги Амир Темур номли жамоа хўжалигида ўтказилган хайрли тадбир кўпчиликка маъқул тушди. Туман ҳокимлиги, ХДП туман кенгаши ва Ёшлар Иттифоқи ташаббуси билан мазкур хўжаликда бирйўла 40 нафар ёшнинг никоҳ тўйи ўтказилди. Совғасаломлар ва бошқа харажатларни туман ташкилотлари ва хўжаликлари ўз зиммасига олишди.

Тўйда ортиқча дабдаба ва исрофгарчиликка йўл қўйилмади. Маслаҳатли тўйда турнақатор машиналарни ёллаш, таниқли артистларни чорлашга ҳам ўрин қолмади. Туманда эътибор топган «Наврўз» ва «Чиннигул» бадиий ҳаваскорлик дасталари катта тўйга файз киритдилар.

Музаффар ШАРОПОВ.

• *Ҳамкорлик*

ОЛТИАРИҚ КОШИНЛАРИ

● **ФАРҒОНА (мухбиримиздан). Шаҳардаги миллий банк, «Деҳқон бозори»даги савдо маркази, Марғилон, Қўқон, Қувасой шаҳарларидаги кўпгина идоралар нафис кошинлар билан безатилган.**

Олтиариқ туманидаги «Диёр» хусусий корхонаси мармарсифат кошинлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. «Волгоград шаҳридаги «Оникс» фирмаси билан тузилган шартнома асосида кошинлар ишлаб чиқармоқдамиз», — дейди корхона директори Р. Маматхонов. — Хом ашё асосан Россиядан келтирилмоқда. Йилига 5 минг квадрат-метр кошин ишлаб чиқарамиз».

Ҳозир олтиариқлик кошинкорлар вилоятдаги янги қурилаётган иморатларни безашмоқда. Шунингдек, хусусий корхонада ёғочни қайта ишлаш цехи ҳам бўлиб, бу ерда қириндилардан фанерлар, пойдевор блоклари чиқарилмоқда. Яқинда тикувчилик ва мебель ишлаб чиқариш цехлари ҳам ташкил этилади.

• *Хотира*

ОТАНИНГ ЎРНИ БОШҚА ЭДИ

● **ЖИЗЗАХ (мухбиримиздан). Ғаллаорол туманидаги собиқ Ленин номли жамоа хўжалигига 20 йил раҳбарлик қилган Даврон Йўлдошевнинг номи ҳурмат билан ёдга олинади.**

У бошқарган хўжалик марказига биринчилар қатори табиий газ келтирилган эди. Ичимлик суви учун қувурлар ётқизилганди. Хўжалик электрлаштирилди. Кўчалар асфальтланди. Ўзига хос шаҳарча қад кўтарди. Ота таваллуд топган Қалли қишлоғидан ўнлаб олимлар, раҳбарлар етишиб чиқди. Бундай ўзгаришларда тадбиркор раис Даврон Йўлдошевнинг хизмати беқиёс. Вилоят ҳокимлиги хўжаликка Даврон Йўлдошев номини беришни лозим топди.

Пардабой ТОЖИБОЕВ.

ОИЛАВИЙ ЧЕВАРЛАР ҒАЙРАТИ

● **НУКУС (мухбиримиздан). Хўжайли тумани далаларида етиштирилган ҳосилни барвақт йиғиб-териб олишда оилавий ижара звеолари олдинда боришмоқда.**

Оилавий теримчилар кунига олти-саккиз фоиздан ошириб пахта топшармоқдалар. Мавсум бошидан бери теримдаласида пахта теришни хуш кўрарди. Раис эса машина теримининг ишқибози эди. Абдусодиқ раисни устоз билиб, унинг йўлидан борди. Кейинчалик бўлимга бошлиқ бўлди. Бу йил 250 гектар майдонга барака уруғи қадалган эди. Ҳозир 8-10 тадан тўлиқ кўсакларнинг тенг ярми очилган. Ҳосилнинг асосий қисмини машинада териш мўлжалланмоқда. Бешта машина теримга шай. Дефолиация тугалланган. Сувчилардан Пўлат Мусанов, Раҳим Бегашев, звено бошлиқлари Ғулом Бегашевлар астойдил меҳнат қилмоқдалар. «Уч қаҳрамон» хўжалиги бошланғич партия ташкилотининг фаол аъзоси 70—80-йиллар қаҳрамони Абдусодиқ Бегашев бўлими майдонларида етиштирилган ҳосилнинг чўғи мўл.

ҚАҲРАМОННИНГ ДАЛАСИДА

● **ЖИЗЗАХ (мухбиримиздан). Зафарободликлар Абдусодиқ Бегашев номини ҳурмат билан тилга оладилар.**

Моҳир пахтакор Абдусодиқ «Уч қаҳрамон» хўжалиги раиси Бекназар Умрхолов

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЛЮТА БИРЖАСИДА

1994 йил 14 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси валюта биржасида бўлиб ўтган савдода Ўзбекистон Республикасининг хорижий валютада муомала қилиш ҳуқуқига эга бўлган ўн бир банки иштирок этди.

Сотув ҳажми 1,4 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Бир АҚШ долларининг қиймати 15 сўм миқдорида қайд этилди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1994 йил 15 сентябрдан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади*)

1 Австралия доллари	11,16
1 Австрия шиллинги	1,38
1 Англия фунт стерлинги	23,48
10. Бельгия франки	4,73
1 Голландия гульдени	8,70
10 Греция драхми	0,64
1 Дания кронаси	2,47
1 АҚШ доллари	15,00
1 Миср фунти	4,43
1 Ирландия фунти	23,22
1 Исландия кронаси	0,22
10 Испания песети	1,17
100 Италия лираси	0,96
1 Канада доллари	11,10
1 Қувайт динори	50,51
100 Ливан фунти	0,90
1 Германия маркаси	9,75
1 Норвегия кронаси	2,22
10 Португалия эскудоси	0,96
1 Сингапур доллари	10,09
1000 Туркия лираси	0,44
1 Финляндия маркаси	3,03
1 Франция франки	2,85
1 Швеция кронаси	2,00
1 Швейцария франки	11,71
1 ЭКЮ	19,92
10 Япония иенаси	1,52
1000 Россия рубли	6,61
1 Эстония кронаси	1,22
1000 Украина карбованци	0,63
1 Латвия лати	27,32
1 Литва лити	3,75
1 Қозоғистон тенгеси	0,32
1 Молдова лейи	3,55
1000 Беларусь рубли	3,74

*) — Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни кўрсатилган қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1994 йил 15 сентябрдан бошлаб махсус пул алмашув пунктларида фойдаланиш учун нақд АҚШ долларининг қуйидаги тижорат қийматини белгилади:

— сотиб олиш қиймати: 1 АҚШ доллари — 20 сўм;

— сотиш қиймати: 1 АҚШ доллари — 20 сўм.

Хорижий валютани сотиш чоғида сўм ҳисобида восита ҳақи олинади.

МАШИНА ТЕРИМИ БОШЛАНДИ

● САМАРҚАНД. Нарпай тумани механизаторлари вилоятда биринчи бўлиб машинада пахта теришга киришди. Дастлабки куниёқ 30 та терим агрегати билан 170 тонна пахта терилди.

ГЕКТАРИДАН 42 ЦЕНТНЕР

● ХОРАЗМ. Қўриқ ерларда пахтадан юқори ҳосил олиш мушкул, деб ўйлайдиганлар уялиб қолди. «Ўзбекистон» жамоа хўжалигига қарашли Мирзо Шомуродов бошлиқ звено пахтакорлари ҳар гектар ердаги ғўзадан биринчи теримдаёқ 42 центнердан сифатли ҳосил олди. Жамоадаги яна уч звено 35 центнердан хирмон кўтариб, бир ҳафтада йиллик режани бажарди.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси ташкил топганлигининг уч йиллигига

ЭЛНИНГ ИШИ— МАРДЛАР БЎЙНИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг XV сессиясида жамиятимизда рўй бераётган ижтимоий-сиёсий воқеалар силсиласи ва бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш ҳамда ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг йўл-йўриқлари атрофлича таҳлил этилди. Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши пленумида эса юртбошимиз ва ҳукуматимизнинг ана шундай йўли ҳамда ташқи сиёсати тўла маъқулланиб, дастурий мақсадларга мос, деб топилди.

Ушбу сессия ва пленумда қабул қилинган қарорлар қандай амалга оширилмоқда? Тошкент вилояти партия ташкилотлари мазкур қарорлар ижросини таъминлашга эришишнинг қандай дастурларига эга?

Энг аввало, қарорлар моҳияти тарғибот-ташвиқотнинг турли шакл ва усуллари орқали кенг оммага тушунтириляпти. Ушбу тадбирни амалга ошираётганлар аҳолининг турли қатламларидан етишиб чиққан фаоллар бўлганлиги учун ҳам мақсадга эришиш анча осон кўчяпти. Бўлиб ўтган суҳбатлар, учрашувлар, семинарлар ва мулоқотнинг бошқа шакллари эндиликда одамларни чинданам қизиқтириб қолди. Чунки, бу анжуманларда айни пайтдаги ва навбатдаги долзарб вазифаларнинг туб мақсади ва моҳияти очиб бериляпти.

Миллий валютанинг муомалага киритилиши айни муддао бўлди. Унинг қадр-қимматини ошириш, аҳолини, айниқса, кўп болали оилаларни ижтимоий ҳимоя қилиш масалалари партия ташкилотларининг кундалик вазифаларидан бири қилиб қўйилди. Шунингдек, ислоҳотларнинг иккинчи босқичи аҳамиятини тушунтириш билан бирга халқимиз олдида баъзи қийинчиликлар турганини ҳам яширмаслик керак. Ана шу вазиятдан ғаразли мақсадлар йўлида фойдаланмоқчи бўлган ва эски тузумга қайтиш хаёлида сафсата сотб юрган ғаламисларга узил-кесил зарба бериш вақти етди.

Пленумда таъкидланганидек, партия ташкилотлари фақат ижтимоий-сиёсий ҳаётдагина иштирок этиб қолмасдан, балки иқтисодий ислоҳотларнинг рўёбга чиқишини таъминлашда ҳам фаоллик кўрсатишлари талаб этилади. Бу йўналишда муайян юмушларга қўл урилаётганини Ўрта Чирчиқ туманидаги Ким Пен Ҳва номли халқ корпорацияси ҳамда Охунбобоев номли жамоа хўжалигида бўлиб ўтган фаоллар йиғилиши билан далиллаш мумкин. Уларда қишлоқ шароитида тадбиркорлик ва фермерлик ҳаракатини ривожлантириш, жойларда тартиб-интизомни янада мустаҳкамлаш ва бошқа ҳаётий муҳим масалалар муҳокама қилинди.

Кўпгина партия ташкилотлари Президентимиз олға сураётган талабларни бажаришда бевосита иштирок этишмоқда. Жумладан, Бекобод шаҳар партия кенгаши ҳудудда янги ташкил этилган ишбилармонлар уюшмасининг аъзоси бўлиб, унинг фаолиятида кенг иштирок этаётир. Бундан ташқари, «Чермет» фирмаси, «Пресс» ва «Прометей», «Бунёдкор» каби кичик корхоналар билан ҳамкорлик қилмоқда. Улар куч-ғайрати билан юз миллион сўмликдан зиёд халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарилиб, аҳолига 133 миллион сўмлик хизмат кўрсатилди. Зангиота тумани партия кенгаши режалаштирган тадбирлар мажмуи ҳам эътиборга молик. Кенгаш қошидаги «Озодлик» кичик корхонаси Наманган вилоятидаги «Кўкёр» консерва заводи билан ўзаро маҳсулот айирбошлаш юзасидан шартнома тузди. Бундан ташқари, шу йилнинг ўзида 6—7 миллион сўмлик халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ва 35—40 миллион сўмлик савдо хизмати кўрсатиш мўлжалланмоқда. Шу мақсадда Янгиқўрғон ва Чортоқ трикотаж фабрикалари билан ҳамкорликда маҳсулот ишлаб чиқариш келишиб олинди. Ушбу маҳсулотнинг бир қисми туман аҳолисига арзон нархларда сотилса, яна бир қисми ёрдамга муҳтож оилаларга бепул тарқатилади. Бекобод туман партия кенгаши эса ҳокимлик билан биргаликда 500 дан ортиқ тадбиркорлик шохобчаларини ишга туширди.

Қуйи Чирчиқ туманидаги Беруний номли жамоа хўжалигида тегирмон, новвойхона, гуруч қуритиш ускунаси, ёғ, пишлоқ, консерва, колбаса ишлаб чиқарадиган, тикувйигирув цехлари, «Ўзбекистон беш йиллиги» жамоа хўжалигида консерва цехи, болалар ва аёллар пойабзали тикадиган цех ишлаб турибди. Янги тизимлар вужудга келиши муносабати билан тадбиркорларнинг янги ижтимоий табақаси шакллланмоқда. Ангрен шаҳар ва Паркент тумани партия ташкилотлари худди ана шу табақа вакилларини партия сафларига тортиш ишларини жонлантириб юбордилар. Кейинги қисқа муддат ичида Паркентда 27, Ангренда эса 21 нафар тадбиркор ХДП аъзоси бўлди. Пискент туманида партия аъзоси Абдусаттор Рашидов раҳбарлигидаги хусусий корхонада иккита ғишт заводи қунига 15 минг донадан маҳсулот ишлаб чиқараётир. Бу юмушларга 7 нафар ХДП аъзоси бош-қош бўлмоқда. Хусусий жамоа «Гулистон» маҳалласида яшовчи ёрдамга муҳтож Фотима Шокирова ва «Хастибузрук» маҳалласидаги Мастура Саидова уйларини таъмирлаб бериш учун 11 миллион сўм пул сарфлади. Айни пайтда маҳалла чойхонаси қурилиши жадал давом этяпти. Бироқ, Оққўрғон, Оҳангарон, Бўка, Тошкент туманларида бу соҳада суст-кашликка йўл қўйилмоқда. Агар ишбилармонларни қўллаб-қувватлаб, муаммоли масалаларни ҳал қилишда ёрдам берганларида эди улар сафи бирмунча кенгайган ҳамда ўз мавқеларини оширишга ҳам эришган бўлардилар.

— Вилоятимизда 1174 та бошланғич партия ташкилоти мавжуд,— дейди Ўзбекистон ХДП Тошкент вилоят кенгаши биринчи котиби Ўктамжон Турғунов.— Бу катта куч. Лекин ҳудудимизда мингдан ортиқ маҳалла борлиги ва уларда аҳолининг ярмидан кўпи яшаб, меҳнат қилаётганини ҳисобга олсак, бу кўрсаткич бизни қаноатлантирмайди. Марказий Кенгаш пленуми қарорларида ҳудудий партия ташкилотлари тизимини такомиллаштиришга алоҳида аҳамият берилгани бежиз эмас. Чунки, худди шу тизим орқали бўлажак сайловларга, соғлом руҳ бағишлаш мумкин. Яна бир долзарб масала, бу — юртбошимиз ва партиямизнинг ёшлар сиёсатига бўлган муносабати масаласи. Шу нуқтаи назардан, ёшлар ўртасида олиб борилаётган ишларнинг изчиллиги ва самарадорлигини таъминлаш диққат-марказимизда турибди. Жорий йилнинг биринчи чорагида партияга қабул қилинганларнинг 30 фоизи 30 ёшгача бўлган ёшлар эканлигини ҳисобга олганимизда ҳам бу борада ҳали кўп иш қилишимиз керак...

Ҳа, олдинда ҳали ишлар кўп. Аммо амалга оширилган ишларга ҳам холис баҳо бериш лозим. Ёшлар билан ишлашнинг янги шакл ва усулларидан дадил фойдаланаётган партия кенгашлари сирасига Янгийўл ва Чирчиқ шаҳарлари партия ташкилотларини киритиш мумкин. Янгийўл шаҳар кенгаши қошида ёшлар сиёсий клуби ва тўгараклари фаолият кўрсатмоқда. Уларда партиямиз Дастури ва Низоми ўрганиляпти. Кишиларни қизиқтирган шу куннинг муҳим масалалари юзасидан учрашувлар, давра суҳбатлари ташкил қилиняпти. Чирчиқ шаҳар кенгаши Ёшлар қўмитаси билан ҳамкорликда пленум ўтказди. Унда ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, улар ўртасида Миллий истиқлол мафкурасини таргиб қилиш ҳамда партия кенгашининг Ёшлар қўмитаси билан ҳамкорлик қилиши тўғрисидаги шартноманинг қандай бажарилаётгани муҳокама этилди. Ётоқхоналарда ва бошланғич партия ташкилотларида ёш сайловчилар клублари ишлаб турибди. Ёшлар билан сиёсий мулоқот кунлари белгилаб қўйилган. Паркент туманида спортни ривожлантиришга, Ангренда ёшларнинг кўриктанлови ва бошқа тадбирларни ўтказишга яхши муҳит яратиб берилаётир. Бекобод шаҳар кенгаши эса Фарғонада ҳарбий хизматни ўтаётган ёшлар билан уларнинг ота-оналари учрашувини ташкил этди. Қибрай тумани кенгаши маҳаллий ҳокимият билан бирга жиноятчиликка қарши кураш ойлиги ўтказди. Шунга ўхшаш тадбир Олмаликда ҳам яхши самара берди. Ўрта Чирчиқ ва Оҳангарон туманларида ушбу муҳим масала диққат марказига қўйилмаган. Шу боис партия аъзолари орасида ёшлар салмоғи ўн фоиздан ошмайди, ишсизлар сони ҳам бошқа жойлардагидан кўпроқ. Фикримизча, Ўзбекистон ХДП Дастурида белгилаб қўйилганидек партия ташкилотлари ёшлар манфаатларини ҳимоя қилувчи сиёсий кафил бўлишга эришишлари замон талабидир.

— Ёшларга алоқадор тадбирларимизни янада чуқурлаштириш пировард натижада кадрлар заҳирасини яратиш имконини туғдиради,— дейди вилоят партия кенгаши иккинчи котиби Шуҳрат Муҳаммаджонов.— Сир эмас, баъзан туман кенгаши раҳбарлигига номзод излаб қоламиз. Демак, ёшлар масаласи билан жиддий шуғулланиш кўпгина муаммоларни кун тартибидан олиб ташлашга замин яратади. Шу ўринда мен нафақат Ёшлар қўмитаси, балки барча жамоат ташкилотлари билан қалин ҳамкорликда ишлаш зарурлигини таъкидлашни истардим.

Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи вилоят қўмитаси биринчи котиби Наима Жабборованинг бу борадаги фикр-мулоҳазалари ҳам диққатга сазовор.

— Ёшлар куч-ғайратини мустақиллигини мустаҳкамлашга йўналтиришда ХДП тажрибаси асқотяпти,— дейди у.— Бинобарин, партия ташкилотлари амалга ошираётган тадбирларнинг бир қисми учун ёшлар жавобгар бўлишлари керак, деб ўйлайман. Шунда уларнинг ҳар бир ишга масъуллик билан ёндашишлари таъминланган, ХДП томонидан эса уларга моддий ва маънавий ёрдам бериб турилса, муаммолар ечимини ҳал қилиш осонлашган бўларди.

Хуллас, вилоят партия ташкилотлари Президентимиз, ҳукуматимиз ва Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши пленуми йўл-йўриқлари, фармон ва қарорларини бажаришга кўмаклашишга қодир катта куч. Ўйлаймизки, улар Ўзбекистон Халқ демократик партияси ташкил топганлигининг уч йиллигини партия ғояларини ҳар бир фуқаро онгига етказиш, ёш авлодни юртпарварлик ва миллий ғурур руҳида тарбиялаш иши кўламларини янада кенгайтириш билан нишонлайдилар. Зотан, мустақиллик фарзанди сифатида майдонга чиққан партиямиз ва унинг аъзоларининг бошқача муддаолари бўлиши ҳам мумкин эмас.

Абдунаби МАННОПОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

САЙЛОВЛАР МУДДАТИ КЕЧИКТИРИЛДИ

● ДУШАНБЕ. Тожикистонда Президентлик сайлови ва янги Конституция ҳақидаги умумхалқ референдуми ўтказиш бир неча муддатга кечиктирилди.

Республика Олий Кенгаши қарори билан сайлов ва референдум ўтказиш 25 сентябрдан 6 ноябрга кўчирилди.

МАЖБУРИЙ ЧОРА

● АЛМАТИ. Қозоғистонда 1 октябрдан бошлаб нон нархини тахминан уч бараварга ошириш мўлжалланмоқда.

Ҳукумат дон маҳсулотлари саноатини бюджетдан маблағ билан таъминлаб туриш қийинлашгани сабабли бундай чорани кўришга мажбур бўляпти. Аслида ҳозирги кунда нон аҳолига ўз таннархидан икки-уч баравар арзонга сотиляпти. Ҳукуматнинг бу йилги ҳосилни давлат буюртмасининг белгиланган миқдорида ғаллакорлардан сотиб олишга ҳам қурби етмай турибди.

ЎЗЛАРИ ҚУРИШГАНИ ЯХШИ

● ҚОЗОҒИСТОН чегарачилари Федосия заводига битта катер сотиб олиш ниятида мурожаат қилишганида кемасозлар ўз маҳсулотлари нархини 1 миллион АҚШ долларида баҳолашди.

Мутахассислар ҳисоблаб кўришса, бундай катерларни Қозоғистоннинг ўзида ишлаб чиқариш нисбатан анча арзонга тушар экан. Шундай қилинса, ҳар бир катернинг баҳоси ўртача 6—7 миллион тангага тўғри келади.

ҲУКУМАТ ИСТЕЪФОГА ЧИҚДИ

● БИШКЕК. Қирғизистон Президенти Аскар Акаев ҳукумат истеъфосини қабул қилди.

Бундан бир неча кун олдин ҳукумат аъзолари истеъфога чиқаришларини сўраб Президентга мурожаат қилишганди. Лекин у вазирларга мамлакатда янги ҳукумат шакллангунга қадар ўз вазифаларини бажариб туришларини топширди.

САМИМИЙ МИННАТДОРЧИЛИК

● ДУШАНБЕ. Тожикистон давлат раҳбари, Олий Кенгаш раиси Имомали Раҳмонов мамлакат фуқароларини миллат бирлиги ва бутунлигини сақлашга, биродаркушлик урушини тўхтатишга чақирди.

Республика мустақиллигининг уч йиллиги муносабати билан давлат раҳбарининг телевидение орқали Тожикистон халқларига хитобида бу тарихий кун фуқаролар уруши натижасида рўй берган оғир сиёсий-иқтисодий вазиятда ўтаётгани таъкидланди.

Тожикистон раҳбари ички уруш чоғида сиёсий ҳамда иқтисодий ёрдамини аямаган барча қўшни мамлакатлар, халқаро ташкилотлар, МДҲ давлатлари раҳбарларига самимий миннатдорчилик изҳор этди.

КУЧЛИ ПОРТЛАШ ЮЗ БЕРДИ

● АШГАБАД. Бу ердаги ойна тайёрлаш комбинати маъмурий биносида кучли портлаш юз берди.

Ходима аёл ишлаб чиқариш йиғилиши ўтказиладиган залга кириб чироқни ёқиши билан портлаш юз бериб, аёлни оғир жароҳатлади. Туркманистон Миллий хавфсизлик қўмитаси ва Ички ишлар вазирлиги тезкор гуруҳлари воқеани текшириб кўришганда портлаш бино тагидаги канализацияда турли хил газларнинг тўпланиши туфайли юз берганн аниқланди.

(Марказий Осиё ахборот агентликлари ва газеталаридан олинди).

● Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн олтинчи сессияси олдидан

ҚОНУН—ТАЯНЧ

Ўзбекистон ХДП Китоб туман кенгашининг барча ҳудудий партия ташкилотлари «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловлар тўғрисида»ги ҳамда «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайловлар тўғрисида»ги қонунларни аҳоли ўртасида тарғиб қилиб, тушунтириб бормоқдалар.

Туман партия кенгаши ижроия бюросининг қарорига мувофиқ партия кенгаши ҳузурида ахборот ва тарғибот маркази тузилди. Марказнинг саъй-ҳаракати билан туман ҳокимлиги ва туман партия кенгаши ҳамкорликда сайловлар тўғрисидаги янги қонунларни ўрганиш юзасидан семинар-кенгаш ўтказди.

Туман партия кенгаши сайловолди тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш учун барча бошланғич партия ташкилотларига, жумладан, ҳудудий партия ташкилотларига ўз тавсия ва қўлланмаларини бериб бормоқда, жойларда ахборот ва тарғибот марказини тузишга амалий ёрдам кўрсатмоқда.

Барча ҳудудий бошланғич партия ташкилотларида берилган тавсияларга асосан сайловлар ҳақидаги қонунларни тарғиб қилиш бўйича самарали тадбирлар белгиланган. Унга кўра ҳар бир кўча, маҳалла ва қишлоқда фаол ХДП аъзолари бириктириб қўйилган. Жойлардаги тарғиботчилар сайловлар тўғрисидаги қонунларни аҳоли ўртасида тушунтиришда «Очиқ мулоқот», «Давра суҳбати» сингари тадбирлардан фойдаланмоқдалар.

Икки оғиз партияга қабул ҳақида. 1993 йилда жами 121 нафар киши партия сафига қабул қилинган бўлса, 1994 йилнинг етти ойи мобайнида 121 нафар киши ХДП сафига кирди. Ўтган йили ХДПга қабул қилинганларнинг 21 нафарини хотин-қизлар ташкил этган бўлса, бу йилги янги аъзоларимизнинг 39 нафари хотин-қизлардан иборат.

Туман партия кенгаши ҳисобида бугунги кунда 21 та ҳудудий бошланғич партия ташкилоти бор. Ҳудудий бошланғич партия ташкилотлари ҳисобида 244 нафар ХДП аъзоси бор. Ҳудудий бошланғич партия ташкилотларида ҳам партияга қабул қилиш ишлари қувонарлидир.

Партия кенгаши сайловлар яқинлашиб келаётганлиги муносабати билан барча маҳалла ва қишлоқларда партия ташкилотлари тузишга катта эътибор бермоқда.

Ҳудудий партия ташкилотлари сайловлар тўғрисидаги қонунларни ўрганиш бўйича тузган тадбирлар, тарғибот ишларида муваффақиятли қўлланилмоқда. Хиромий номли маҳалла бошланғич партия ташкилотида бу тадбирлар давра суҳбати тарзида ўтказилган бўлса, Охунбобоев номли жамоа ширкат хўжалигидаги «Кусам» маҳалласи партия ташкилоти ўзининг очиқ умумий йиғилишини қизиқарли тарзда ташкил этди. Ҳ. Олимжон номли маҳалла бошланғич партия ташкилоти қонунлар тарғиботини ҳар бир гузарда жойлашган чойхоналарда суҳбатлар тарзида ўтказмоқда. «Навбаҳор» жамоа хўжалигидаги О. Шайманов номли маҳалла партия ташкилотида қонунлар тарғиботида туман маъмурий ва судлов органлари ходимлари кучидан фойдаланилмоқда.

Туман партия кенгаши ижроия бюроси қарорига кўра туман ҳокимлиги билан ҳамкорликда икки йилдан буён барча меҳнат жамоаларида, бошланғич партия ташкилотларида долзарб мавзуларда очиқ мулоқотлар ўтказиб келинмоқда. Бу ҳақдаги материаллар туман «Ғалаба» рўзномаси саҳифаларида мунтазам бериб борилмоқда. Ушбу мулоқот кунларида туман раҳбарлари, ташкилот ва хўжалик бошлиқлари, фаол тарғиботчилар меҳнаткашлар билан учрашиб, Президент Фармонлари ва ҳукумат қарорларининг бажарилиши ҳақида, сайловлар тўғрисидаги қонунларнинг мазмуни ва моҳияти ҳақида сўзлаб бермоқдалар.

Яқинда бўлиб ўтган Ўзбекистон ХДП Қашқадарё вилоят кенгаши ижроия бюросининг йиғилишида Китоб туман ҳудудий партия ташкилотларининг «Ўзбекистон Республика Олий Мажлисига сайловлар тўғрисидаги ҳамда «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайловлар тўғрисидаги қонунларни тарғиб қилиш ва аҳоли ўртасида тушунтириш бўйича амалга ошираётган ишлари кўриб чиқилди ва маъқулланди.

Илҳом КАРОМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Амударёнинг қуйи қисмида жойлашган Тўрткўл туманида ободонлаштириш ишларига алоҳида эътибор берилмоқда. Айниқса, бозорларни шу кун талабига жавоб бера оладиган тарзда қайта таъмирлаш, расталарни кенгайтириш ишлари кенг кўламда олиб борилмоқда. Бозор ва унинг атрофида 50 дан ортиқ замонавий, шарқона услубда қурилган савдо ва хизмат кўрсатиш нуқталари қурилиши жадал суръатларда давом эттирилаётир. Шунингдек, 20 га яқин 2 қаватли хусусий дўконлар бунёд этилмоқда.

«Улуғбек», «Сардор», «Умар», «Динора» савдо дўконлари қурилиб, аҳолига намунали хизмат кўрсатилаётир. Айни вақтда туман ҳудудида 300 дан знёд кичик ва қўшма корхоналарнинг фаолият кўрсатаётганини айтиб ўтиш ўринлидир. Бу корхоналарда 30 га яқин халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарилаётир.

Суратларда: 1. «Тўрткўлнинг 120 йиллиги» хусусий савдо маркази сотувчиси (чапда) Ф. Жумабоев. 2. Шаҳар бозорида қурилаётган савдо расталаридан бири.

Р. ЖУМАНИЁЗОВ (ЎзА) олган суратлар.



● Тадбиркорга омад ёр

ИШЛАГАН БАҲОНА ҚИДИРМАЙДИ

Ғайбулла аканинг қўл остида 264 киши ишлайди, шундан 223 нафари бевосита ишлаб чиқаришда. Жамоа аҳли, шу важданмикан илғор. 50-автобаза дейишса Жиззах вилоятида кўпчилик билади. Шу йил август ойида республика автотранспорти давлат ҳиссадорлик корпорациясининг кўчма намунали йиғилиши ҳам шу ташкилотда бўлиб ўтгани фикримизнинг далили. Хуллас, яқинда биз автобазада бўлдик. Ишчиларга яратилган шароит, ҳайдовчилар кайфияти-ю усталар иш унумини кузатдик. Сўнг табиийки, корхона раҳбари Ғайбулла ака Мустоқов билан суҳбатлашдик.

— Ишларимиз ёмон эмас, — дейди у.— Етти ойлик режаларни ортиғи билан бажардик. Автокорхонамизнинг 39 та автобуси ёрдамида 2.116.700 нафар йўловчи ташилди. Даромадимиз 376000 сўмни ташкил этди. 23 та таксимиз бор. Ҳайдовчиларимизнинг ҳақ-тўлов масофаси 177.000 ўрнига 186.000 километрдан ошиб, 97100 сўм даромад қилдик. Сир эмас, шу вақтгача автокорхоналар асосан юк ташишдан рўзғор тебратишарди. Ҳозир ҳам шундай. Мижоз кўплиги эса ўзимизга боғлиқ. Интизому иш сифати кафолатланса мижоз хизматига яраша сал ошиқроқ ҳақ тўлашдан ҳам қочмайди.

Бундан ташқари автомашиналарнинг созлиги ҳам жуда муҳим. Автокорхонамиз жамоаси шу вақтгача 460 минг тоннадан ортиқ халқ хўжалиги юкларини ўз манзилига вақтида етказиб беришди. Режа ортиғи билан бажарилиб, умумий соф даромадимиз 123.000 сўмни ташкил этди. Юк автомобиллар ҳайдовчиларидан Шерқул Пардабоев, Абдунасим Эшмуродовлар ишидан кўнглим тўқ, вазиятни тўғри чамалайдиган, интизомли, ишчан йигитлар. Умуман олганда, иш жараёнида кўряпманки, барчага бир хил назар билан, меҳрли қарасангиз, ҳеч нарса ишга тўсиқ бўлолмас экан.

Ғайбулла акадан эҳтиёт қисмлар муаммоси ҳақида ҳам сўрадик. У бизга автокорхонанинг Россия автозаводлари билан азалий алоқалари борлиги, бугунги эмас, эртани кўзлаб ишлаётганлигини айтди. Кейинги ойда автокорхона 120 та шина, 50 дона аккумуляторни бартер йўли билан Россиядан олибди. Бош иқтисодчи Абдуқаҳҳор Абдувалиевнинг шаҳодат беришича, шартномага мувофиқ яна 300 та шина Красноярск шаҳридан келиши керак.

— Эҳтиёт қисмлар муаммоси корпорациямизнинг автокорхонамизда бўлган йиғилишида ҳам алоҳида таъкидланди,— дейди сўзини давом эттириб Ғайбулла ака.— Қолаверса, корпорациямиз раисининг муовини Мансур Алиев ҳам ҳар сафар «қўл қовуштириб ўтирадиган замон эмас, имконини топинг, борини тежанг, машинани яхшилаб созлашни йўлга қўйинглар», дейди ҳар гал. Бу насиҳатлар ҳар доим бизга ибрат бўлиб қолмоқда. Тўғри-да, эҳтиёт қисм топиб келсангизу устангиз нўноқ бўлса, барча харажатлар хайф кетади. Шуқрки, автокорхонамиз усталарга ёлчиган. 28 нафар устамиз бор. Раҳматилла ака Мамедов, Василий Найдаларни қўлига тушган техника борки, ерда ётмайди.

Автокорхонадан қайтар маҳал ҳайдовчиларнинг ўзи билан гаплашиб сездикки, улар ўзларига яратилган шароитдан мамнун: хорижий тамойилдаги меҳмонхона, ошхонаю душ, мўъжазгина боғ... Дам олиш учун яна нима керак дейсиз. Тағин автокорхона ўзидан орттириб 25-мактаб рўзғорини ҳам оталиққа олибди. Мактаб биносини таъмирлашу майдачуйда харажатларигача ташкилот зиммасида экан. Ҳа, тадбиркорлик замон талаби. Эл хизматини сидқидилдан бажарганларнинг иззат-ҳурмати ошаверади.

Маъмуржон ҚИЕМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ТЕЖАМКОРЛИК ЁРДАМ БЕРЯПТИ

Чирчиқ шаҳар автобус саройи ҳайдовчилари Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг уч йиллиги шарафига баланд руҳ билан меҳнат қилмоқдалар. Тонг саҳарда йўлга чиққан автомобилчилар денгиз сатҳидан 3500 метр баландликдаги манзилгоҳлар — Чимён, Бендирсой, Хумсон, Оқтош сари отланадилар. Улар аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш билан йўловчилар узоғини яқин қилишяпти.

Мустақиллик байрами арафасида иш натижалари дастлабки тарзда ҳисоб-китоб қилиб чиқилди. Йил бошидан бери 1000 литр бензин, 1200 литр мойлаш ёғлари иқтисод қилинди.

Баъзи корхоналар эҳтиёт қисмлар танқислиги, ёнилғи-мойлаш материаллари қимматлашиб кетганини рўкач қилиб, ишлаб чиқаришда самарадорликни пасайтириб юборяётган бир шароитда Чирчиқ автобусчилари эришаётган ютуқлар сири билан қизиқдик. Бу ҳақда корхона директори Эркин Йўлдошев шундай дейди:

— Тартиб-интизом деган шундай резерв борки, у ҳеч қандай қўшимча маблағ сарфлашни тақозо қилмайди. Шу резервга амал қилганлар ҳар жабҳада илгарилаб бораверишларини тажрибада кўриб турибмиз. Маст ҳолда машина бошқаришга барҳам берилди. Машиналарни соз сақлаш, эҳтиёт қисмлар ва ёнилғи сарфлашни қатъий назорат қилиш одат тусига кирди. Ишда тартиб тежамкорликда бош омил бўлиб қолаётганини алоҳида таъкидламоқчиман.

Рўзимат ДАМИНОВ,
Чирчиқ шаҳри.

● Савоб

ЯХШИЛИККА БУЮРСИН

● ФАРҒОНА (мухбиримиздан). ЭКОСАН жамғармаси вилоят бўлими ташкил топганига ҳали уч йил ҳам бўлгани йўқ. Зеро, ташкилот ўзининг хайрли ишлари билан эл назарига тушди.

Қисқа муддатда вилоят миқёсида ташкил этилган дорихоналар орқали 70 минг сўмдан ортиқ дори-дармон аҳолига етказиб берилди. Айни пайтда шифобахш гиёҳлардан дорилар тайёрлаш борасида ҳам хайрли ишлар қилиняпти. Данғара тумани марказий поликлиникасига 650 сўмлик дори-дармон бепул берилди. Байрам арафасида эса Тошлоқ туманида ҳам шундай тадбир ўтказилиб, чақалоқлар учун совғасаломлар топширилди. Фарғона тумани ҳудудида 10 гектар майдон олиниб, ЭКОСАННинг мевазор боғини ташкил этиш бошланди.

Алишер ИБОДИНОВ.

ТУХУМИ ТОВУҒИДАН ҚИММАТМИ?

31 август куни Тошкентдан бронь билан Мустақиллик майдонидаги кассадан Наманганга 658-поездга билет (№ 270937) олдим. Бронь учун уч сўм ушлаб қолишди. 9 сентябрь куни Наманган вилоят ҳокимлиги брони билан Наманган темир йўли кассасидан Тошкентга билет (№ 1573) олишга бордим. Бронь учун 30 сўм талаб қилишди. Наҳотки шундай бўлса!!

Кассирга қўлимдаги Тошкентда бронь учун уч сўм ёзиб берилган қоғозни кўрсатдим. «Мен ҳеч нарса билмайман, бизга Қўқондан шундоғ буйруқ бор, менинг ишим чипта сотиш» — деди кассир аёл. Касса ёнида аёлни анча кузатиб турдим. Келган одамларга чипта йўқ, агар хоҳласангиз, бронь билан билет бор, устига 30 сўм тўлайсиз» деб, нафақахўр, чол-кэмпирларнинг 30 сўмдан пулини шилиб оляпти. Бир қари кампир «Болам, Тошкентда қизим туради, тоби қочибди, кўргани кетаётган эдим, 20 сўм пулим бор, холос. Битта чипта тўғрилаб бергин»,— деб тоза ялинди. Бронга 30 сўм бермасангиз, беролмайман» — кассирнинг жавоби шу бўлди.

Энди бу ёғини эшитинг, 43 сўм 84 тийинга чиптани олиб, 19-купе вагонга чиқдим. Вагон ичи яроқсиз, ҳаммаёқ ифлос, чанг, кир эди. Вагон кузатувчиси чойшаб ва ёстиқ жилдлари учун 4 сўмдан йиғиб олди. «Биродар, 31 август куни Тошкентдан кетиб эдим, 2 сўм берган эдим, энди дарров нега 4 сўм бўлиб қолди» десам, «Бизга буйруқ шу» — деб осонгина қутилди. Олиб келган чойшаблари гирт ҳўл, соғ одам ётса, касал бўлиши турган гап. Бет артишга сочиқ ҳам берилмайди. Мана сизга купе вагон!

Ўзбекистоннинг турли шаҳарларидаги аҳолининг анчагина фарзанд ва қариндош-уруғлари Тошкентда яшайди, ўқийди. Самолёт ва автобуслар бензин билан юргани учун нарх қимматлашиб кетди. Ҳамма ҳам уларга тушавермайди. Қариндош уруғини кўриш, тўй-маъракаларига бориш учун нафақахўрлар, талабалар ва аҳолининг кам таъминланган бошқа табақалари фақат поезд хизматидан фойдаланиб келмоқдалар. Афсуски, кўпчилик аҳоли учун бир оз қулайлик яратиб бериб турган транспортнинг шу ягона воситаси хизмати ҳам найрангбоз, буйруқбоз ва чайқовчилар қўлига ўтиб кетди. Бирорта оддий киши кассага келиб, қийналмай чипта ололмайди. Нарироққа борса, «Нечта чипта керак»— деб орқангиздан югуриб юрибди ва чипталар 2—3 баробар, баъзан ундан ҳам ортиқ нархларга сотиляпти.

Ўзбекистон темир йўли бошқармасидаги раҳбарларнинг наҳотки бу ҳангомалардан хабарлари бўлмаса!!.

Исматулла АБДУЛЛАЕВ,
Республика аҳамиятига молик нафақахўр, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, Беруний номидаги Давлат мукофоти совриндори, филология фанлари доктори, профессор.

● ЛУҚМА

САҲРОЙИ КАБИРНИ КЕЗГАН ОДАМ

Ғап аслида бу машҳур поёнсиз қум уюмлари, сувсиз қақраб ётган жазирама чўл хусусида эмас. Балки умрининг ярмини табиатга бағишлаган машҳур олим, биология фанлари доктори Ўктам Пратов ҳақида. Ўктам ака Ўрта Осиё давлат университетининг биология факультетини 1959 йили тугатиб, Ўзбекистон Фанлар академиясининг Ботаника институтидаги юксак ўсимликлар флораси лабораториясига ишга келганди. Шу-шу бир жойда ҳалол меҳнат қилиб, оддий илмий ходимликдан то фан доктори даражасигача бўлган йўлни босиб ўтди.

Биз домланинг номзодлик ва докторлик ишлари хусусида тўхталиб ўтирмаймиз. Чунки ҳар иккаласи ҳам сизу бизнинг умримизни ўлчаб турғувчи она-табиатга боғлиқ. Энди икки оғиз сўз Ўктам аканинг олис Саҳройи Кабирга қилган сафари хусусида. Бир маҳаллар собиқ шўролар давлати даврида «Сельхозпромэкспорт» деган катта ташкилот бўларди. Ана шу ташкилот уюштирган махсус экспедиция таркибида 1977 йилдан 1980 йилгача Ўктам ака Ливияда ишлаб келди. Ана шундан сўнг у киши энди ботаник олим бўлиб эмас, балки толмас табиатшунос ва сайёҳ сифатида танилди. У Шимолий Африка табиатини, айниқса, унинг флорасини мукаммал ўрганди, Ливияда унинг бормаган жойи ва йиғмаган ўсимлиги қолмади десак лоф бўлмас. Ҳа, ана ўша машҳур Саҳройи Кабирнинг кўпчилигимизни қўрқинчга солғувчи тандирдай иссиғию сўнгсиз қум барханлари уларни чўчитмади.

Ўктам ака уч марта Шимолий Саҳройи Кабир бўйлаб саёҳатга чиқди. Ҳали одам оёғи кам теккан афсонавий саҳродан ғаройиб коллекциялар йиғиб келди. Ўрта Ер денгизининг энг жанубида жойлашган Ливиянинг марказий минтақаси флорасини биринчи бўлиб ўрганиб чиқди. Ва бу ҳудуд учун янгидан 200 дан кўпроқ ўсимлик турларини келтирди. Мазкур минтақа ўсимликларининг 300 дан кўпроқ турдан иборат тўлиқ рўйхатини Ливия Давлат университетининг профессори Гадий билан ҳамкорликда чет элда инглиз тилида чоп этди. Узоқ кузатувларга асосланиб, Африка ва Осиё қитъаларидаги икки йирик регион (Ўрта Осиё ва Шимолий Африка)нинг шўрадошлар оиласига кирувчи ўсимлик турларини биринчи бўлиб тиклашга муваффақ бўлди ва уларнинг янги тизимини ишлаб чиқди. Ниҳоят, илмий ижодий умрининг 35 йилини ўзи флорасини ўрганишга бағишлаган олим барча қитъалар шўраларнинг рўйхатини тузишдек мураккаб ишни охирига етказди. Натижада у мазкур соҳанинг энг йирик монографларидан бири сифатида тан олинди.

Домла Ботаника институтига раҳбарлик қилган йиллари қатор устивор йўналишдаги йирик тадқиқотларни ривожлантириш, уларни ишлаб чиқариш билан мустаҳкам боғлашга, экология ва табиат муҳофазасидек долзарб масалаларга, республиканинг ботаник олимларини жиплаштиришга, турли мавзуларда иттифоқ ва республика миқёсида катта анжуманлар ўтказишга, шу жумладан, кўплаб фан номзодлари ва докторларини тайёрлашга катта ҳисса қўшди. Энг қувончлиси, Ўзбекистондаги барча гербарий (коллекция)лар шу институт қошида бирлаштирилиб, марказий гербарийга айлантирилди. Марказий Осиёда ягона ҳисобланган бу даргоҳда ер шарининг турли минтақаларидан тўпланган ўн мингдан кўпроқ турга мансуб бир миллиондан зиёд гербарий сақланмоқда. 1993 йилнинг декабрида Санкт-Петербургда ЮНЕСКО томонидан уюштирилган гербарийларга бағишланган биринчи халқаро конференцияда у жаҳон аҳамиятига эга бўлган гербарий деб эълон қилинди.

Шу ўринда Ўктам Пратовнинг табиат муҳофазасига бағишлаб чоп эттирган қатор тўпламларини, радио ва телевидение орқали шу мавзуда олиб борган ташвиқот ишларини айтиб ўтмоқ ҳам жоиз. Йўқолиб бораётган 300 дан кўпроқ ўсимлик турларини ўз ичига олган Ўзбекистон Республикаси «Қизил китоби»нинг қайта ишланган, тўлдирилган иккинчи нашри ўзбек ва рус тилларида шахсан Ўктам аканинг иштирокида ва раҳбарлигида тайёрланди.

Ўктам Пратов Ўзбекистоннинг энг хушманзара жойларидан бири бўлмиш Хумсон қишлоғида туғилиб, ўсгани, қолаверса, табиатнинг бор ажойиботларини ўрганмоққа меҳр уйғонганлиги унинг 60 йиллик умр манзилига назар ташламоққа имкон туғдиради. Саҳий табиатнинг бетакрор хислатлари одамзодга ўтиб қолади деса ишонаверинг. Шунданми, биз тилга олган Ўктам ака ҳам ўз феъл атворидаги ҳамма яхшилик ва саҳийликни ўзи кўриб-билиб, ўрганган табиатдан олган. Нима деймиз, домланинг умри ҳам, босиб ўтаётган излари ҳам ана шу она-табиатдай боқий ва ўчмас бўлсин!

О. АШУРМЕТОВ,
биология фанлари доктори,
Е. СОЛИЕВА,
биология фанлари номзоди.

• ЮЗМА-ЮЗ

Суҳбатдошимиз 42 ёшда, тўрт фарзанднинг отаси. Омск олий милиция мактабини битиргач, оддий инспектор сифатида иш бошлаган. Сирдарё, Андижон вилоятлари, Тошкент шаҳрида ишлади, орада олий академияни битирди. Хуллас, оддий инспекторликдан республика ички ишлар вазирининг муовини даражасигача кўтарилди. Қариб бир йилдирки Сирдарё вилояти ички ишлар бошқармасига раҳбарлик қилмоқда.

У киши билан суҳбатимиз жиноятчиликка қарши курашнинг долзарб вазифалари ҳамда у билан боғлиқ бошқа масалалар хусусида борди.

«ИШИМИЗНИ ХАЛҚ БАҲОЛАСИН»

ДЕИДИ СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ ИЧКИ ИШЛАР БОШҚАРМАСИ БОШЛИҒИ, ПОЛКОВНИК ПАРДА АБДУЛЛАЕВИЧ ЖУМАЕВ

— Парда Абдуллаевич, салкам бир йиллик давр мобайнидаги фаолиятингизнинг асосий йўналишлари нималардан иборат бўлди?

— Катта ҳамда масъулиятли вазифаларни малакали, жасур ва фидоий кадрларсиз амалга ошириб бўлмаслиги ҳаммага равшан. Биз бир томондан кадрларни давр талаблари асосида янгилаш, чиниқтириш, маҳоратини ошириш ва сафарбарликни кучайтириш, иккинчи томондан эса вилоятда тегишли органлар ва ташкилотлар билан ҳамкорликда жиноятчиликка қарши курашни ҳар тарафлама авж олдириш йўлидан бормоқдамиз.

— Амалга оширилаётган бундай тадбирлар ўз самарасини бераётгандир?

— Албатта. Баъзи мисоллар. Шу йилнинг ўтган саккиз ойи мобайнида умумий жиноятчиликни салкам 30 фоизга камайтиришга эришилди.

Яна бир муҳим кўрсаткич — жиноятларнинг очилиш даражасининг сезиларли ўсгани бўлди. Йил мобайнида содир этилган жиноятларнинг 85,3 фоизининг очилишига эришдик.

Президентимизнинг даъватига жавобан уюшган жиноятчиликка, порахўрликка қарши қаттиқ ўт очганмиз. Бошқарманинг коррупцияга қарши кураш бўлими ходимлари томонидан шу йил 113 та ғаразли жиноят фош этилди. Шундан 69 таси давлат мулкини ўғирлаш, 8 таси порахўрлик, 2 таси валюта операцияси қоидаларини бузиш ва бошқа турдаги хавфли жиноятлар содир этиш ҳоллари билан боғлиқ бўлган ишлардир.

Ўтказилган шошилинч ва тезкор тадбирлар натижасида жиноятчилар томонидан ўғирланган 838000 сўмлик давлат маблағининг 657100 сўми вақтида ундириб олинди. Айни пайтда мазкур ишлар юзасидан тергов ишлари олиб борилмоқда. Текшириш якунланган ишлар юзасидан суд ҳукми чиқарилган.

— Парда Абдуллаевич, ана шу рақамлар остида милиция ходимларининг қандай катта ва оғир ишлари ётганини тасаввур этишимиз учун бир-икки жонли мисоллар келтирсангиз.

— Сўнгги маълумотлардан бири. Гулистон шаҳри чегарасида ДАН хизмати ходимлари бир юк машинасини тўхтатадилар. Шаҳардаги 2535-автобаза шофёри Асад Ш. ишдан уйига қайтаётган экан. Унинг машинасида беш қоп ун бор эди. Бир қарашда оддий, унча эътибор қилмаса ҳам бўлаверадиган воқеа. Лекин милиция ходимларининг ҳушёрлиги ва зийраклиги туфайли халқ ризқига чанг солаётган катта бир жиноятчилар гуруҳининг кирдикорлари фош этилди. Беш қоп унни шофёрга бугунги хизмати учун омбор мудири ҳадя қилган экан. Калаванинг учи дастлаб Сирдарё гуруч заводига, кейин эса Оқ олтин дон маҳсулотлари комбинатига олиб борди. Дастлабки текширишлар пайтидаёқ Сирдарё шаҳрида жойлашган гуруч заводининг тайёр маҳсулотлар омбори мудири Раҳимберди М. 158 тоннадан ортиқ аҳолига тарқатилиши лозим бўлган унни ўзлаштириб юборгани, Оқолтин дон маҳсулотлари комбинатида эса 16 минг қоп маҳсулотнинг ҳар биридан ярим килодан тортиб бир ярим килогача камайтирилиши натижасида ўғирлик мақсадлари учун 12 тоннадан зиёд ун тежаб қолингани аниқланди. Ҳозир мазкур иш юзасидан тергов олиб борилаётир.

Шунингдек, Янгиердаги «Сирдарёшартномас а в д о» бирлашмаси базасининг бир гуруҳ масъул шахслари томонидан 76,8 миллион сўмкўпонлик ноёб маҳсулотни базага кирим қилмай, қалбаки ҳужжатларни расмийлаштириб, ўз фойдасига ўзлаштириб юборгани билан боғлиқ жиноий ишлар фош этилди. Мазкур тайёрлов базасига келган Эркин Воҳидовдан 200 сўм пора сўрайди. У ҳам жиноят устида қўлга олинди. Ҳозир тергов ишлари олиб борилмоқда. Биз прокуратура органлари, миллий хавфсизлик хизмати ходимлари билан порахўрликка қарши курашни ҳар тарафлама кучайтириш чораларини кўраётирмиз.

— Милиция ходимларининг ишлари оғир, вақтлари доим етишмайди. Буни ҳаммамиз яхши тушунамиз. Лекин шунга қарамай улар ўқиш, ўрганиш, ўз устиларида ишлашга вақт топа оладиларми? Бунга шахсан муносабатингиз қандай?

— Тўғри кўп ҳолларда кун тунга, тун эса тонгга уланиб кетади. Лекин шунга қарамай вақтли матбуотни албатта кузатиб бораман. Республика, вилоят, шаҳар рўзномаларини ўқийиз. Вақт топилди дегунча қизиқарли китобларни варақлаймиз. Ҳозир ўқиётган китобларим (у киши столи устида турган янги нашр этилган «Амир Темур тарихи» ҳамда «Убийство в спальном вагоне» деган китобларни кўрсатдилар). Бусиз сира мумкин эмас. Ўзинг ўқисанг — бошқалардан ҳам талаб этишинг мумкин. Юқорида айтиб ўтганимдек, ходимларимизнинг кўпчилигини ёшлар ташкил этади. Уларни ҳозирдан ўз устида ишлаш, маданий савиясини ошириб боришга ўргатиб бориш керак. Эндиликда эски билимлар билан янги замонга кириб бўлмайди.

Вақт бўлган пайтда милиция ходимлари билан инсонийлик, ахлоқий мавзуларда кўнгил очар суҳбатлар ўтказиб тураман. Одамлар бизга ишонсин, қалбини, дардини очсин, бизларга ўзини дўст тутсин, дейман. Бунга эришмоқ эса осон эмас.

Абдужалил УМАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ДУНЁ ВОҚЕАЛАРИ

ВАЗИРНИНГ ТАШРИФИ

● Буюк Британиянинг саноат ва савдо давлат вазири Ян Тейлор Кубага расмий ташриф билан келди.

Бу ташриф Буюк Британия ҳукумати вакилининг Куба Республикасига сўнгги 20 йил ичидаги биринчи сафаридир. Музокаралар чоғида ўзаро иқтисодий ҳамкорлик масаласи муҳокама қилинади. Шунингдек, Кубанинг Буюк Британиядан қарзлари муаммоси ҳам кўриб чиқилади. Ушбу қарз 60 миллион долларга яқин.

ҲИНДИСТОН ҲУКУМАТИНИНГ ҚАРОРИ

● Ҳиндистон ҳукумати Кашмир муаммосини ҳал этишда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг воситачилигидан фойдаланмасликка қарор қилди.

БМТ Бош котиби Бутрос Ғолий ана шу вазифани ўз зиммасига олмоқчи эди. Мамлакат ташқи сиёсат маҳкамаси вакилининг таъкидлашича, Ҳиндистон ҳукумати воситачиларсиз Покистон билан музокаралар ўтказиши мумкин ва бунга тайёр ҳамдир.

ГАИТИГА ҚЎШИН КИРИТИЛАДИГАН БЎЛДИ

● Америка Қўшма Штатлари маъмурияти 17 давлат Гаитидаги вазиятни барқарорлаштириш учун бу мамлакатга қўшин киритишга рози бўлганини маълум қилди.

Улар шу мақсадда Гаитига 1500 нафар ҳарбий хизматчи юборадилар.

ЯПОНИЯ ҲАМ БЕФАРҚ ҚОЛМАДИ

● Руандадаги вазият Японияни ҳам бефарқ қолдирмади.

Мамлакат ҳукумати Руанда қочоқларига инсонпарварлик ёрдами кўрсатиш учун Замбияга чекланган ҳарбий бўлинмалар юборишга қарор қилди.

ХАЛҚАРО АНЖУМАН ИШ БОШЛАДИ

● Францияда табиатни асраш бўйича халқаро анжуман иш бошлади.

Тадбир Европа Иттифоқи ташаббуси билан ўтказилмоқда ва унда экология муаммоларини ҳал этиш ҳамда табиий бойликларни сақлаб қолиш масаласи муҳокама қилинади.

ВАЗИЯТ КЕСКИНЛАШМОҚДА

● КОБУЛ. Афғонистон Президенти Бурҳониддин Раббоний билан Бош вазир Гулбиддин Ҳикматёр қўшинлари ўртасидаги жанглар тобора шиддатли тус олмоқда.

Кобул шаҳри атрофида куни кеча бўлиб ўтган жангларда 83 киши ҳалок бўлди. Кобул радиосининг хабар беришича, шаҳар ракетадан ўққа тутилиши натижасида пойтахтнинг 25 нафар аҳолиси ҳалок бўлган, 60 киши оғир жароҳат олган. Афғонистоннинг шимоли ғарбидаги Самангон, жанубий қисмидаги Лоҳар Вардак вилоятларида, Кобул атрофидаги тоғли районларда ҳам вазият тобора кескинлашмоқда.

ҚИЗИҚАРЛИ МАВЗУДА МУНОЗАРА

● НЬЮ-ЙОРК. Гарвард университетининг Жон Кеннеди номидаги бошқарув мактаби ташкил этган анжуманда иштирок этиш учун Россия давлат думасининг 29 депутати Америка Қўшма Штатларига келди.

Икки ҳафта давомида депутатлар америкалик олимлар билан махсус дастур асосида «Россияда Президентлик ҳокимиятининг тузилиши», «Сиёсий партияларнинг аҳамияти» каби мавзуларда мунозара ўтказадилар.

(Жаҳон ахборот агентликлари ва газеталаридан олинди).

● ЧОЙ УСТИДА

ҚАДРИЯТЛАРНИ ҚАДРЛАБ

● САМАРҚАНД (мухбиримиздан). «Наврўз», «Маҳалла» хайрия жамғармалари вилоят бўлимлари ҳамда вилоят маънавий-маърифий жамоатчилик маркази Боғишамолда илмий-назарий анжуман ўтказди.

Мустақилликнинг иқтисодий ва маънавий покланиш манбалари, миллий қадриятларнинг қимматини оширишда маҳалланинг ўрни ҳақида мулоҳаза юритилди. Профессорлар К. Саидов, Х. Бегматов ва бошқалар маъруза қилишди. Бир пиёла чой устида уюштирилган ўзига хос давра суҳбатида миллий қадриятларни тиклаш ва уларни янада замонавийлаштириш хусусида ўзига хос баҳс бўлди.

Фармон ТОШЕВ.

Ғиждувон туманидаги «Халқобод» жамоа хўжалиги ҳудудида жойлашган «Қорабоғ» ҳиссадорлик жамиятининг сут соғувчиси Мастура Тўйчиева ўз боқимидаги 20 бош сигирдан кўплаб маҳсулот олишга эришмоқда. Айни пайтда ҳиссадорлик жамияти фермасида 550 бош қорамол боқилмоқда. Шунинг 210 боши соғин сигирдир. Умуман жамият аъзолари бу йил эл дастурхонига 410 тонна сут етказиб беришни мўлжаллашган.

Суратда: илғор сут соғувчи Мастура Тўйчиева.

Ҳ. ҚУРБОНОВ олган сурат.

Ҳар кимки ёмон бўлса, жазо топқусидир!

Ўзини бозор иқтисодиёти жонкуяри ва ишбилармон қилиб кўрсатаётган, аслида эса ўз нафсидан бўлак ҳеч нарсани ўйламайдиган нафси ўпқон кишилар тақдирининг охири войдир, албатта. Бухоро шаҳридаги «Шер» кичик ишлаб чиқариш корхонаси раҳбари Шариф Йўлдошев ва корхонага қарашли дўкон сотувчиси Сабоҳат Йўлдошевалар ана шундай балойи-нафс бандалари бўлиб чиқишди.

Турли халқ истеъмоли моллари майдалаб сотгандан кўра дори-дармон бозори чаққон эканлигини кўрган «ишбилармон»лар ҳаром-ҳариш йўллар билан топилган дори-дармонларни пуллашга киришдилар. Маълумки, аввало бунинг учун Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг махсус рухсатномаси — лицензияси бўлиши керак эди. Рухсатнома у ёқда турсин, уларда ҳатто дори-дармон сифатини тасдиқловчи ҳужжат ҳам йўқ эди. Энг ажабланарлиси шундаки, савдодан тушган пуллар бирон марта ҳам банкка топширилмаган.

Хўш, «ишбилармон»лар дори-дармонни қаердан олди, деган ҳақли савол туғилади. Улар 59 номдаги 21690 сўмлик ноёб дори-дармонни Шофиркон туманида яшовчи икки кишидан сотиб олиндиларини, деб расмийлаштиришган. Аслида, бу фуқароларнинг на паспорт маълумотлари ва на аниқ манзилгоҳлари бор.

Албатта, бу қилмиш-қидирмиш устомонларга анча қимматга тушди: солиқ назорати ходимлари томонидан юборилган ишни Тўқимачилик туман прокуратураси жиддий суръатда кўриб чиқмоқда.

Б. ТУРАЕВ.

НАФСИ ЎПҚОН УСТОМОНЛАР

ИШБИЛАРМОНЛАР ДИҚҚАТИГА!

«Ўзбекистон Республикасида мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнини янада ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида» 1994 йил 15 мартдаги Фармонга мувофиқ ташкил этилган Республика кўчмас мулк биржасининг самарали фаолият кўрсатишини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси томонидан 29.04.94 йилда чиқарилган 228-сонли қарори мавжуд. Шу асосда

БУХОРО ВИЛОЯТИДА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ

1.08.94 йилдан ўз фаолиятини бошлаб юборди.

Бу ерда ким ошди савдоси, биржада олди-сотди хизматлари кўрсатилади. Шунинг учун брокерлик жойларини сотиб олиш тўғрисида ва шунга тааллуқли масалалар юзасидан бизга мурожаат қилишингизни сўраймиз.

Биржада хусусийлаштирилган уй-жой, шахсий кооператив хоналар, қурилиши тугалланмаган бинолар, иншоотлар сотилади ва сотиб олинади.

МАНЗИЛИМИЗ: Бухоро шаҳри, Октябрь 40 йиллиги кўчаси, 2-уй.

ТЕЛЕФОН: 4-21-65.

РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ БУХОРО ВИЛОЯТ БЎЛИМИ.

СОТИБ ОЛИНГ ВА ЭГАЛИК ҚИЛИНГ!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИНИНГ БУХОРО ВИЛОЯТИ БЎЛИМИ ШУ ЙИЛ 24 СЕНТЯБРДА ЎТКАЗИЛАДИГАН НАВБАТДАГИ КИМОШДИ САВДОСИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ:

1. ЧОЙХОНА

● Когон туманидаги қурилиши тугалланмаган «Чойхона» биноси. Когон тумани ҳудудидаги қадимий архитектура ёдгорлиги ва Баҳоуддин Нақшбанд қўрғончасининг зиёратгоҳи яқинида жойлашган, 75 ўринга мўлжалланган. Умумий майдони — 428 кв. м.

2. БЕКАТ

● Бухоро шаҳрининг Б. Нақшбанд кўчасидаги 5-уй олдидаги бекат. Бухоро шаҳрининг Б. Нақшбанд кўчасида жойлашган. Умумий майдони — 60 кв. м. 1976 йилда фойдаланишга топширилган. Мулк эгасига шаҳар, туман ҳокимиятлари архитекторлари билан келишилган ҳолда шу ҳудудда савдо-маиший объектлар қуриш ва ободонлаштириш ишларига рухсат берилади. Мулк эгасига шунингдек, ер участкасини доимий фойдаланиш учун сотиб олиш ҳуқуқи берилади.

3. «ХЎЖАЛИК МОЛЛАРИ» ДЎКОНИ

● Бухоро шаҳридаги 55-«Хўжалик моллари» дўкони биноси, шаҳарнинг эски қисмида жойлашган. Пишиқ ғиштдан бир қаватли қилиб қурилган. Омборхонаси бор, аҳоли гавжум бозор ёнида жойлашган. Умумий майдони — 250 кв. м., фойдаланиш майдони — 160 кв. м.

4. ҚУРИЛИШИ ТУГАЛЛАНМАГАН ДЎКОН БИНОСИ

● Бу Бухоро шаҳридаги 39-сонли дўкон бўлиб, Ф. Хўжаев туманининг колхоз бозори олдида жойлашган. «Файзобод» фирмаси бошланғич баҳоси ҳисобида объект калитини беришни кафолатлайди.

5. ҚУРИЛИШИ ТУГАЛЛАНМАГАН 11-ДЎКОН

● Бу Бухоро шаҳридаги 11-сонли дўкон биноси бўлиб, Ф. Хўжаев туманининг колхоз бозори олдида жойлашган. «Файзобод» фирмаси бошланғич баҳоси ҳисобида объект калитини беришни кафолатлайди.

6. ҚУРИЛИШИ ТУГАЛЛАНМАГАН 45-ДЎКОН

● Бу бино Бухоро шаҳридаги 45-сонли дўкон бўлиб, Ф. Хўжаев туманининг колхоз бозори олдида жойлашган. «Файзобод» фирмаси бошланғич баҳоси ҳисобида объект калитини топширишни кафолатлайди.

7. ҚУРИЛИШИ ТУГАЛЛАНМАГАН 9-ҚАВАТЛИ ТУРАР-ЖОЙ БИНОСИ

● Бу қурилиши тугалланмаган 9-қаватли турар-жой биноси Бухоро шаҳрининг Ульянов кўчасида жойлашган. Қурилиш майдони —647,5 кв. м. Қурилиши 1976 йилда бошланган.

8. ҚУРИЛИШИ ТУГАЛЛАНМАГАН ЧОЙХОНА

● У Ғиждувон шаҳрида жойлашган. Пишиқ ғиштли, алоҳида бир қаватли бино 50 ўринга мўлжалланган, 30-40 фоиз қурилиш ишлари бажарилган, Бухоро — Тошкент йўли ёқасида жойлашган.

9. «ВЕТЕРОК» ПАВИЛЬОНИ

● Когон шаҳрининг «Бобур» турар-жой даҳасида жойлашган. Бир қаватли, каркасли, металл тунука билан қопланган, олд қисми витринали ойнаванд. Павильонни кенгайтириш учун 30×30 м. майдонли ҳудуд бор. Фойдаланиш майдони — 42 кв. м.

10. «МЕБЕЛЬ» ДЎКОНИ

● Когон шаҳрининг Винокуров кўчасида жойлашган. Каркасли, металли, чап, ўнг ва орқа деворлари ғиштдан. Олд қисми витринали ойнаванд, томи шифер билан қопланган. У 1969 йилда фойдаланишга топширилган. Фойдаланиш майдони — 200 кв. м.

11. 5-ДЎКОН БЎЛИМИ

● Бу дўкон бўлимининг павильони Когон шаҳрининг Фарғона кўчасида жойлашган. Бир қаватли, металл тунука билан қопланган, каркасли бино. Олд қисми витринали ойнаванд.

12. ҚУРИЛИШИ ТУГАЛЛАНМАГАН ДЎКОН

● Когон шаҳридаги қурилиши тугалланмаган «Птица» — («Қуш») дўкони марказий саноат-қурилиш банки қаршисида жойлашган. Бугунги кунгача ҳандақ ишлари ва темир-бетон блоклари пойдеворини монтаж қилиш лойиҳасмета ишларининг 7 фоизи бажарилган. Объектни бош режага мувофиқ кенгайтириш учун ҳудудга эга. 1990 йилда қурилиши бошланган.

13. ҚУРИЛИШИ ТУГАЛЛАНМАГАН МАИШИЙ ХИЗМАТ МАЖМУАСИ

● Ромитан туманининг энг аҳоли зич бўлган марказида жойлашган. Пишиқ ғиштли бино. Қурилиш-монтаж ишларининг 60 фоизи бажарилган. Унинг ўнг ва чап томонида қатор савдо нуқталари ва колхоз бозори жойлашган.

14. ҚУРИЛИШИ ТУГАЛЛАНМАГАН ЧОЙХОНА

● Пешку туманининг «Янгиобод» жамоа хўжалиги ҳудудида жойлашган. Олд қисми пишиқ ғиштдан қурилган. Бешта ёрдамчи биноси бор. Канализацияси ишлаб турибди. Тўрт томони боғ ва олмазор билан ўралган.

15. ҚУРИЛИШИ ТУГАЛЛАНМАГАН ИССИҚХОНА

● Пешку туманининг Охунбобоев номли жамоа хўжалигида жойлашган. 1990 йилдан буён қурилмоқда. Умумий майдони — 0,12 гектар. Фойдаланиш майдони — 0,1 гектар. Иссиқхона деворлари пишиқ ғиштдан. Иситиш тармоқлари монтаж қилинган.

16. «ТАБАССУМ» ДЎКОНИ БИНОСИ

● Бухоро шаҳрининг Навоий шоҳкўчасида, «Билимлар уйи» қаршисида жойлашган. Шаҳар агентлиги биноси билан ёнма-ён.

17. «ТАБАССУМ» ДЎКОНИ БИНОСИ

● Жондор тумани марказида, ҳокимият биноси орқасида жойлашган. Икки қаватли, пишиқ ғиштли.

18. ХУСУСИЙ УЙ

● Бухоро шаҳрида, Ўтрор қишлоғида, Тўқимачилик тумани ҳудудида жойлашган, 9 хонадан иборат, синчли, 16 метрли айланаси ғишт билан ўралган, боғи, табиий газ билан иситиш тармоғи бор. Умумий ер майдони — 15 сотих. Бундан ташқари айвонга, ёзги ва қишки ошхонага, молхонага эга.

МАНЗИЛИМИЗ: Бухоро шаҳри, Октябрь 40 йиллиги кўчаси, 2-уй. Телефон: 4-32-42; 4-21-65; 3-64-70.

ИЗОҲ: Барча объектлар биринчи марта ери билан сотилади.

• ТЕРАН ТОМИРЛАР

ИМОМ АЛ-БУХОРИЙ УСТОЗЛАРИ ҲАҚИДА МАНБА

Буюк ватандошимиз Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий (810-870) ҳадис илмининг султони сифатида бутун оламга машҳурдир. Бундан қарийб ўн икки аср муқаддам (келаси йили у зоти шариф таваллудларига 1185 йил тўлади) Бухорои шарифда дунёга келган алломанинг қаламига мансуб йигирмадан ортиқ асарлари ичида, айниқса, жаноб пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг муборак ҳадислари жаъм бўлган шоҳ асар «Саҳийҳ ал-Бухорий» ислом дини таълимотларида Аллоҳнинг каломи Қуръони Каримдан кейинги энг асосий ва ишончли манба ҳисобланади.

Узоқ йиллар мосуво бўлиб келган кўплаб алломаларимиз каби буюк бобокалонимиз имом ал-Бухорийнинг ҳаёти ва ижодлари, унинг бой меросидан халқимиз, кенг жамоатчилик бебаҳра бўлиб келдик. Аллоҳга беадад шукрлар бўлсинки, мустақиллигимиз шарофати билан ҳукуматимиз, Президентимиз собитқадамлик ва катта идрок билан олиб бораётган изчил ва доно сиёсат туфайли мустақил ватанимизда маънавият, маърифат ва буюк меросимизга алоҳида эътибор берилмоқда. Катта мамнуният билан таъкидлаш керакки, фидойи олимларимиз томонидан тарихимиз, маънавий қадриятларимиз ва ўтмишда яшаган буюк алломаларимизнинг ижодларини чуқур ўрганиш, уларни кенг қўламда оммалаштириш борасида муайян хайрли ишлар амалга оширилди.

Бироқ булар ҳаммаси, уммондан бир қатрадир. Бинобарин бу борада келажакда қилинадиган ишлар ҳали бениҳоя кўпдир. Чунончи, ўз тадқиқотчисига мунтазир бўлиб ётган маънавий, маданий ва моддий (ашёвий) қадриятларимиз, айниқса тахи бузилмаган ноёб қўлёзмаларимизни ҳар томонлама чуқур ўрганиб, тадқиқ ва таржима қилиш — бу бебаҳо хазиналардан келажаги порлоқ ва буюк мустақил Ўзбекистонимизнинг маънавий қудратли ва мустаҳкам пойдеворини қуришда оқилона ва самарали фойдаланишдек ўта муҳим ва олийжаноб вазифалар турибди. Бу масаланинг катта ижтимоий ва сиёсий аҳамияти ҳам борки, чунончи фақатгина маънавий, маърифий ва маданий тараққиётга эришган мамлакатдагина тезроқ иқтисодий фаровонликка эришиш амалга ошади.

Мавриди келганда яна бир масала ҳақида ҳам тўхталиб ўтиш лозим. Ҳар хил сабабларга кўра дунёнинг турли бурчакларига тарқаб кетган бебаҳо хазиналаримиз ёзма ёдгорликларни излаб топиб, уларни тегишли тадқиқотлар билан илм-фан аҳлларию кенг жамоатчиликка тақдим қилишда тақдир тақозоси билан ҳозирги вақтда хорижий мамлакатларда яшаётган асли туркистонлик олимлар ҳам бу тарихий ишга ўзларининг муносиб улушларини қўшаётганлари ҳар қандай таҳсинга сазовордир. Биз ўтган мақолаларимиздан бирида ҳозирги вақтда Саудия Арабистонида истиқомат қилаётган ватандошимиз, иқтидорли ёш арабшунос олим Назар Муҳаммад ал-Фарйобийнинг асли Насаф (ҳозирги Қарши) шаҳрида туғилиб, сўнгра узоқ муддат Самарқандда яшаган Абу Ҳафс Нажмиддин Умар ибн Исмоил ибн Муҳаммад ибн Али ибн Луқмон ан-Насафий (Баъзан ас-Самарқандий)нинг «Ал-Қанд фи зикри уламои Самарқанд» («Самарқанд олимлари ҳақида қанддек (ширин) китоб») асарининг тадқиқоти хусусидаги фикр-мулоҳазаларимизни билдирган эдик. Гап шундаки, араб тилида яратилган ушбу асарда ўрта асрларда Самарқандда яшаб ижод қилган мингдан ортиқ фиқх олимлари, ҳадис ровийлари ва бошқа соҳаларда қалам тебратган илм аҳллари ҳақида аниқ маълумотлар берилган. Бироқ ушбу қимматли манбанинг қўлёзма нусхалари аксарият олимлар фикрича, бизгача етиб келмаган ҳисобланиб, фақат унинг XII асрда яшаган олим, ан-Насафийнинг шогирди Абу Фазл Муҳаммад ибн Абдужалил ибн Абдулмалик ибн Ҳайдар ас-Самарқандий томонидан бажарилган форсча қисқартирилган мухтасар таржимасигина маълум эди. Бу таржима «Қанд», «Қандия» (Тошкентдаги Шарқшунослик институтида сақланаётган бир қўлёзмаси «Қандийа-и-иҳурд», «Кичик қандия» номи билан келтирилади) номи билан аталиб, арабча аслининг бизгача етиб келганлиги шубҳа остида эди. Бироқ олим Назар Муҳаммад ал-Фарйобий томонидан асарнинг Туркиядаги «Турхон волидаси» кутубхонасида сақланаётган яккаю-ягона қўлёзмаси асосида тайёрланган мукаммал нашри эса бахтимизга ушбу шубҳаларга аниқлик киритди.

Ушбу мақоламизнинг асосий мавзуи бўлган «Имом ал-Бухорий устозларининг исмлари» асарини илмий тадқиқ қилган олим ҳам айнан шу ватандошимиз Назар Муҳаммад ал-Фарйобий эканлигини катта мамнуният билан қайд этиш керак. Асарнинг номидан ҳам кўриниб турибдики, мазкур манба имом ал-Бухорийнинг устозларига бағишланган бўлиб, бу эса ўз навбатида буюк ватандошимизга бўлган эътибор, аллома яшаган даврнинг ўзида ҳам, ундан кейин ҳам, катта бўлганлигига далолатдир. Чунончи имом ал-Бухорийдан юз йил сўнгроқ яшаган олим Муҳаммад ибн Исҳоқ ибн Манда ал-Исфаҳоний (310-395 ҳижрий йиллар) яратган «Асоми машойих ал-имом ал-Бухорий» («Имом ал-Бухорий устозларининг исмлари») номли асар ушбу фикримизга ёрқин далилдир. Тадқиқотчи Назар Муҳаммад ал-Фарйобий таҳқиқ қилиб илмий жамоатчиликка тақдим этган ушбу мўъжазгина нашр 1991 йили Саудия Арабистонидаги «Мактабат ал-Кавсар» матбаасида чоп этилган.

Энг аввало «Имом ал-Бухорий устозларининг исмлари» асарининг муаллифи ҳақида бир қадар маълумот келтириш мақсадга мувофиқдир. Унинг тўлиқ исми Муҳаммад ибн Исҳоқ ибн Манда ал-Исфаҳоний бўлиб, у ҳижрий 310 (баъзи манбаларда келтирилишича 309) йилда Исфаҳонда таваллуд топган. У йигирма ёшларидан бошлаб хорижий юртларга сафарга чиқиб Нишопур, ал-Искандария (Александрия) орқали Басра, Ҳирот, Сижистон, Озарбайжонга ҳам кирмай тўғридан-тўғри Шош (ҳозирги Тошкент)га риҳлат қилган. Ушбу сафаридан қайтганда, манбаларда кўрсатилишича, ўзи билан қирқ ҳамл (яъни қирқ туяга юк бўладиган) хилма-хил китоблар келтирган. Яна таъкидланишича, Қуръони карим ҳофизларидан биронтасига ҳам ал-Исфаҳоний эшитган маълумотларни (ёки хабарларни) эшитиш, на у жам қилган маънавий бойликларни жамлаш насиб этмаган экан. Ал-Исфаҳонийнинг ўзи доимо: «Мен Шарқни ҳам, Ғарбни ҳам икки марта тавоф қилиб айланиб чиққанман. Кимки ўз ақидавий фикрида қатъий турмай беқарорлик кўрсатиб ҳали у ёққа, ҳали бу ёққа оғадигаплардан узоқда бўлиб, ҳақиқий дин аҳкомларига хилоф иш тутиб, бидъат ва хурофотга амал қиладиганлардан биронта ҳам ҳадис эшитмаганман» — деб таъкидларди.

Ал-Исфаҳоний ҳақида ёзган ўрта аср тарихчиларининг кўпчилиги унинг «кўп таснифларнинг муаллифи» («соҳиб ал-тасонийф») деб қайд қилганлар. Тадқиқотчи Назар Муҳаммад ал-Фарйобий эса унинг қаламига мансуб йигирмага яқин асарлар борлигини таъкидлаб, уларни номма-ном келтиради. Ушбу асарлардан ўндан ошиғи ҳадис ва унинг турли илмларига бағишланади. Улардан «Ҳадис», «Ал-Амолий», «ал-Фавоид», «Маърифат ас-саҳоба», «Фатҳ ал-боб фи куна ва-л-алқаб», «Шурут ал-аимма», «Китоб ат-тарих», «Китоб асмои ас-саҳоба» кабилардир.

Ал-Ақидага оид таълифлар ҳам талай асарларни ташкил қилади. Улардан «Китоб ур-радд аъло-л-жаҳмия», «Китоб ас-сифот», «Китоб ан-нафс в-ар-руҳ», «Ан-Носиҳ ва-л-мансуҳ» ва бошқаларни кўрсатиш мумкин. Исҳоқ ибн Манда ал-Исфаҳоний 395 ҳижрий йилнинг зул-қаъда ойида вафот этган бўлиб, Исфаҳондаги Дуккабоз қаб. ристонига дафн қилинган.

Муаллифнинг «Имом ал-Бухорий устозларининг исмлари» асари ҳажм жиҳатидан унча катта бўлмаса-да (атиги 16 варақдан иборат қўлёзма чиройлик насх хатида ёзилган, ҳар бир саҳифада 17 сатр бўлиб, бағдодлик хаттот Муҳаммад ибн ал-Ҳасан ибн Муҳаммад ибн Али ибн ал-Иброҳим томонидан олти юз ўттиз иккинчи ҳижрий йилнинг ўн тўққизинчи шавволи, жумъа кунида Дамашқ жомеъ масжидида кўчирилган) илмий жиҳатдан ғоятда қимматлидир. Ушбу китобда Имом ал-Бухорий ўзининг шоҳ асари «Саҳийҳ ал-Бухорий»да келтирган уч юз олти ҳадис ровийларининг исми шарифлари алфавит тартибида тўлиқ ҳолда зикр қилинади. Шунингдек ,уларнинг кўпчилиги ҳақида асли қайси шаҳардан келиб чиққанлиги, уларнинг лақаби ёки куняси, аксариятининг эса қайси шаҳарда ва қачон вафот этганлиги ҳақида аниқ маълумотлар келтирилади. Асардан бир неча мисоллар келтирамиз:

«Аюб ибн Сулаймон ибн Билол Мавли Абдуллоҳ ибн Аби Атийк, асли Мадина шаҳридан, 224 ҳижрий йилда вафот этган; Иброҳим ибн Ҳамза ибн Муҳаммад ибн Абдуллоҳ аз-Зубайр ибн ал-Авон аз-Зубайрий. У 230 ҳижрий санада Мадинада вафот этган бўлиб, кўпинча Абу Исҳоқ куняси билан аталарди; Аҳмад ибн Исҳоқ ибн ал-Хасийн, Абу Исҳоқ ас-Сулламий, у ас-Сурморий номи билан танилган бўлиб, Бухоро қишлоғидан эди; Аҳмад ибн Абу Ража, унинг асл исми Абдуллоҳ ибн Аюб ал-Ҳаравий Абу ал-Валийд. Имом ал-Бухорий ҳадисларни ундан Бухорода пайтида ёзиб олган; Аҳмад ибн Манийъ ибн Абдурраҳмон, Абу Жаъфар ал-Бағавий: у Бағдодда яшаган. У Ҳусайндан ривоят қилади. Уни ал-Қаббоний деб атардилар. Имом ал-Бухорий ундан атиги битта ҳадис ривоят қилган; Абдуллоҳ ибн аз-Зубайр ибн Исо ал-Ҳумайдий, у Абу Бакр куняси билан танилган бўлиб, Макка аҳлидан. Вафоти икки юз ўн тўққизинчи ҳижрий йил; Муҳаммад ибн Юсуф Абу Аҳмад ал-Бухорий. У Пайканд аҳлидан».

Мана шу тариқа ушбу китобда Имом ал-Бухорий ҳадис эшитган 306 ровий ҳақида маълумот келтирилади. Бу адад, албатта, буюк аллома ҳадис эшитган ровийларнинг бир қисмидир. Аслида, у жуда кўп ровийлардан ҳадис эшитиб ёзиб олган.

Қиссадан ҳисса шуки, буюк ватандошимизнинг ёрқин ҳаёти ва кўп қиррали фаолиятини ҳар томонлама чуқур ўрганиш мустақил Ўзбекистонимиз учун зарур бўлган маънавий баркамол инсонларни яратишдек буюк ва олийжаноб вазифага хизмат қилиши шубҳасиздир.

Убайдулла УВАТОВ,
филология фанлари номзоди.

КИМ БЎЛСАМ ЭКАН?

Доннёр САМАНОВ олган сурат.

• Спорт

ЖУРНАЛИСТЛАР ТЎП СУРГАНДА

● Шу кунларда «Овози точик» газетасининг 70 йиллигига бағишланган мини-футбол мусобақалари ўтказилмоқда.

Соврин учун қурашда журналистлардан иборат футбол жамоалари ўртасида учрашувлар ўтказиляпти. Дастлабки ўйинларда қуйидаги ҳисоблар қайд қилинди: «Халқ сўзи» — «Туркистон» — 12:2, «Ҳақиқати Ленинобод» — «Ўзбекистон овози», — 2:6, «Правда Востока, БВВ, Маърифат» — ЎзА —3:0, «Мухбирлар» — «Ватанпарвар» — 0:4, «Овози точик» — «Ёғду» — 6:2, «Ўздавтелерадиокомпания» — «Молодёж Узбекистана» — 2:5, «Халқ сўзи» — Ҳақиқати Ленинобод» — 8:2. Ғолиблар сентябрь ойи охирида аниқланади.

ФУТБОЛЧИ ҚИЗЛАР ҒАЛАБАСИ

● Мамлакат футболчи қизлар терма жамоаси дастлабки синовдан муваффақиятли ўтди.

Мадорасда Джавлалита хоним соврини учун анъанавий мусобақада Болгария, Венгрия, Гана, Янги Зеландия, Чили, Россия футболчилари иштирок этдилар. Футболчи қизларимиз Осиё мамлакатлари жамоалари ўртасида юксак натижага эришиб, кичик олтин медал соҳиби бўлишди. Умумий ҳисобда олтинчи ўринни эгаллаб, футболчи қизлар жамоаларининг олимпиада ўйинларида иштирок этиши кутилмоқда.

• Инсон одоби билан гўзал

ОНА—УЙ ЧИРОҒИ

Фозил ака кексайганида ёлғиз қолишини хаёлига ҳам келтирмаганди. Ўғилларини уйли-жойли қилди, қизларини узатди. Кампири билан кексалик гаштини сурамиз, деганида Рисолат ая оғир хасталикка дучор бўлди. Уни дўхтирмадўхтир олиб чопди. Бўлмади. Катта ҳовлида бир ўзи қолди. Кундузи тўй-маъракаларда бўлар, шу боис вақт ўтганини сезмас, кечқурун эса...

Бу тун Фозил ака учун худди йилдек туюлди. Ёнида ҳеч ким йўқ. Ёлғизликдан эзилди, хаёлан онасининг изларини излади. Тополмади. Тикан устида ётгандек ағанаб чиқди. Тонгга бориб хаёлан Оқила буви шарпасини сезгандай бўлди.

«Фозилжоним, сенга нима бўлди?».

Ўз ёғида қовурилаётган Фозил аканинг қулоғи остида ана шу сўзлар қайта-қайта жаранглаётгандек эди гўё. У ўтган онларини эслади, Хотинининг раъйига қараб, онасига озор берганлигини хотирлади.

Урушдан кейинги йиллар. Остон бобо пики ўғил, бир қизни вояга етказиш учун оғир меҳнатдан қочмади. Кундуз ғўзага сув қуйса, кечқурун кишиларнинг уйида ҳаммоллик қилди, ғишт қуйди, пахса урди. Оқила буви эса кексалигига қарамай, қишлоқ мактабида хизматчилик қилди.

Энди рўшнолик кўраман дейишганда бир ойда ўртанчи ўғли, невараси, қизидан ажралди. Умри қисқа экан деб ўзига далда берди. Остон бобо алам-изтиробларини ичига ютди. Оқила буви яккаю ягона фарзанди Фозилжоннинг ташвишида юрди. Ўғлини бир амаллаб қариндошининг қизига уйлади. Қиш саҳарида мактаб печкасидан ўғли ва келини совуқ қотмасин деб челакда чўғ ташиди, тонгда супаларнинг қорини куради, супирди-сидирди, чой дамлади.

Остон бобо эса ҳар гал бозорга қатнаб, хуржиннинг икки кўзини тўлдириб қайтарди. Фозил эса бозор кўрмаган йигит, унга кўникиб қолди. Ота ҳаммасига ўзи югурарди.

Нозик таъб, диди баланд Оқила буви баъзан келини пиширган овқатни хуш кўрмас, аммо унга дашном ҳам бермасди. Кўнгли синиқ кампирни эса келин менсимасди. Шу боис ўзга қозон осиб олди.

Орадан йиллар ўтиб, Остон бобо ҳам бандаликни бажо келтирди. Мункайиб қолган Оқила буви ўртанчи ўғлидан ёдгорлик қолган неварасига бисот тўплар, бўлажак келинига аталган нарсаларни кўниқўшиларга кўз-кўз қиларди. Буни кўрган Фозилжоннинг хотини ўғлини онадан совутишга ҳаракат қиларди. Кампир буни сезса-да, ўғлига оғиз очмас, ғам-андуҳни юзига чиқармасди.

Кунларнинг бирида невараси Баҳромжон шаҳардан гўшт кўтариб бувижониси ёнига кирди. Қадди букчайган кампир Баҳромжонни кўриб, йиғлаб юборишдан аранг ўзини тийди.

Тишсиз оғзида ниманидир у ёқдан бу ёққа айлантираркан деди:

— Кўнглим нордон қийма шўрвани истайди, болам...

— Сизга бекор одам борми, ҳар куни уч маҳал овқат пишириб берса! — Остонада ҳозир бўлган Фозилжон шундай дея онасининг сўзини шартта кесди. — Ҳамма қатори еганингиз ҳам етар?!

Бу сўз она кўксига ўқ бўлиб қадалди. Баҳромжон бувисини ўзи яшайдиган ётоққа олиб кетишга ундади, лекин кўндиролмади. Келаси гал қишлоққа қайтганида у келтирган гўшт ҳамон халтада осиғлик, турганини кўрди. Очиб қаради, гўштни қурт босган! Амакисига дилидагисини қолдирмай тилига чиқарди. Шунда ҳам Оқила буви ўғлига ҳеч нима демади.

Орадан оз вақт ўтмай она дунёдан кўз юмди...

Фозил ака изтироб, виждон азоби зўрлигидан додлаб юборганини ўзи билмай қолди. Онасига хизмат қилолмагани дилида сўнгсиз армон бўлиб қолганди.

Уйга борганимда топмасам онам,
Босилмайди сира кўнгил титроғи.
Ҳис қила бошлайман шунда юракдан,
Онам уй чироғи, кўнгил чароғи.

Ҳа, тунларни бешик бошида бедор ўтказиб, оқ сут берган оналаримиз — бойлигимиз. Улар билан уйларимиз нурга тўлади, кўнгилларимиз чароғон бўлади. Шундай экан, тириклигида улардан меҳримизни асло дариғ тутмайлик. Зеро, улар дунёда биз учун меҳмондирлар.

Даврон БАҲРОНОВ.

• Янги фильм ишланяпти!

«ТАҚДИР» ЎЙИНЛАРИ

Санжарнинг тақдири оғир кечди. Қийинчиликда катта бўлди. Бир йигит севгачалик севди. Аммо икки ёш учрашувларнинг бирида бадавлат оиланинг эркатойи хира пашшадек парвона бўлди. У ўз дўсти билан Санжарни калтаклади. Нима қилсин? Ўз жонини асраш учун кўчадаги бўш бутилкани синдирдида «душман»га ташланди. Суд ҳукми билан Санжар кесилиб кетди...

Қамалганлик тавқи лаънати уни жамиятда ёлғизлатиб қўяди. Ортиқча одамдай тентираб қолади. Уни ишга олмайдилар. Жуфти ҳалолини топиш эса амри маҳол. Ичкиликка ружу қўяди. Наҳот бир вақтлар Лола билан ширингина суҳбатлашган сўз—амол, дилкаш, шеърпараст, санъатсевар Санжар шу бўлса... Афсуски ўша. Ўсмир нотинч даврлар асири бўлиб қолади. Аниқроғи ичкилик, қашандалик уни беҳаё давраларга етаклайди. Ана шундай дақиқаларда фоҳиша аёл уни «қўлга» олади. Уйига таклиф этади. Тонгда опа айюҳаннос соладн. У тўй қилиб аёлга уйланади. Вақт ўтади. Санжар тақдирида кўпдан-кўп саргузаштлар бўлади. Кейин...

Сценарий муаллифи ва режиссёр Анвар Нурматов ушбу лента орқали ўз иқтидорини намойиш этишига ишонамиз. Шунингдек, тасвирчи Элдор Мамедов, режиссёр ассистенти, узоқ йиллар «Ўзбекфильм»да ишлаган Муллабек Мирзабеков, бадиий постановкачи Зебунисо Шариповаларнинг меҳнатини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Раҳимжон ИРИСОВ.

• ЯРМИ ҲАЗИЛ, ЯРМИ ЧИН

ҚАЙРОҚИ ГАПЛАР

Боғингдаги сабзавот ва меваларни вақтида бегона ўтлардан тозалаб, суғориб турмасанг улар қуриб қолиши мумкин. Буни айтиш учун Мичурин ёки Тимирязев бўлиш шарт эмас.

* * *

Баъзан эркак киши қилолмайдиган ишни аёл киши қилади.

* * *

У «худо йўқ» дерди-ю, лекин бетоб бўлиб ёстиққа боши етганида: «Э худо, дардимга ўзинг даво бер» деб илтижо қиларди.

* * *

«Катастроф» сўзи, менимча, «Катта изтироб» сўзидан келиб чиққан бўлса керак.

* * *

Бешта қизи бор одамнинг олдида ўғлингни мақтама.

* * *

Уйингизга меҳмон келгудек бўлса, дастурхоннинг ўнг томонини ёзинг. Агар эртаси куни меҳмон келиб қоладиган бўлса дастурхоннинг тескари томонини ёзинг. Шундай қилсангиз, сиз дастурхонингизни икки йилда бир бор ювсангиз ҳам бўлади.

КАМПИРЛАРНИНГ «ДАРД»ЛАРИ...

Ҳой овсин, эшитдингизми, «Спит» деган бир бедаво касал чиқибди. Энди шуниси етмай турувди. Чолим тушмагур ўрисчага жа уста-да. «Спит» дегани нимаси десам, «Ухлаяпти» деган касал дейди.

* * *

Кеча анови уйингга буғдой тўлгур Ғиёс бор-ку. Ўша дилбузорга чиқиб олиб «Ёр рўмоли билан-о қўлим боғлансин» дейди-я. А, боласи тушмагур-а, ҳозир рўмол ўрайдиган қизлар қолибдими. Ҳаммасига «Ҳиҳи-ҳи, Ҳа-ҳа-ҳа» бўлса бўлди.

* * *

Шу келиним билан ўғлимга ҳайронман-да. Ўғлимни уйланганига беш йил бўлибдики, ҳеч хотинини Зумрад деб чақирмайди. Қачон қарамай «Зуля», «Зу-зу» дейдия. Келиним ҳам Сирожиддин ака дейиш йўқ, гоҳ «Сиротка» дейди гоҳ «Серик». Ана эру, мана хотин...

Абдувоҳид РАЗЗОҚ ўғли.

ХУШХАБАР!

УАБ Трейдинг ЛТД

(Тошкент, Қатортол кўчаси,60, Чилонзор . Телефон: 78-30-33.)

Тошкентдаги омбордан "Поло" ва "Ричмонд" сигареталарини СОТАДИ.



BEST AMERICAN TASTE

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги огоҳлантиради: чекиш соғлиққа зарарлидир!

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!

Ўзбекистон Автомобиль йўлларини қуриш ва фойдаланиш давлат акционерлик концерни «Ўзавтойўл» жамоаси Тошкент вилояти Бўстонлиқ тумани автомобиль йўллар бошқармаси бошлиғи

Эркамжон СОТИБОЛДИЕВнинг

бевақт вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия ва ҳамдардлик изҳор қилади.

Ўзбекистон Автомобиль йўллари қуриш ва фойдаланиш давлат акционерлик концерни «Ўзавтойўл» жамоаси «Сирдарёавтойўл» бирлашмаси раиси Шоназир Шосаидовга онаси РОБИЯ аянинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия ва ҳамдардлик изҳор қилади.

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Бош муҳаррир Азим СУЮН

Ватанни севмак иймондандир!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти бўлими — 33-20-36, 32-54-35.
Иқтисодиёт бўлими — 33-47-80, 32-54-27.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ бўлими — 33-54-55, 32-55-06.
Адабиёт, фан ва маданият бўлими — 33-07-20, 32-57-19.
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 33-11-49, 33-76-04.
Ахборот ва спорт бўлими — 33-12-56, 32-55-16.
Тижорат, эълонлар — «Оснё бозори» редакцияси — 33-41-89, 32-55-70, 33-38-55, 32-54-12.
Қабулхона — 33-65-45, 32-55-15.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 5-27-11; Бухорода — 3-54-87; Гулистонда — 2-26-22; Жиззахда — 3-31-86; Навоийда — 3-74-76; Наманганда — 6-43-43; Нукусда — 7-58-83; Қаршида — 3-25-79; Қўмқўрғонда — 52-624; Самарқандда — 35-22-90; Урганчда — 6-72-60; Фарғонада — 6-37-16.

● Рўйхатдан ўтиш тартиби № 000120.
Газета офсет усулида А—2 форматида босилади.
Ҳажми 2 босма табоқ.
Босишга топшириш вақти — 21.00.
Г—1086 т. 72841 нусхада босилди.
Навбатчилар: Н. ЖАЛИЛ, М. ҚИЁМОВ.



МАНЗИЛИМИЗ: 700083. ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили «Буюк Турон» кўчаси 41-уй. топширилди—20.40 1 2 3 4 5 6